БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ 12

"СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ" ГАЗЕТАСИГА ИЛОВА

СОЛИҚҚА ОИД ХАТОЛАР

СОЛИҚҚА ОИД ХАТОНИНГ МОҲИЯТИ

ХАТОНИ ТОПИШ ВА ТУЗАТИШ ЙЎЛЛАРИ

ТОШКЕНТ - 1996

Э.Ф.Гадоев, Л.П.Югай

СОЛИҚҚА ОИД ХАТОЛАР

Тошкент - 1996

65.9(5у)261.3
Г 13(0)

Лойиҳа муаллифи **Ш.К.Гатаулин**

Гадоев Э.Ф., Югай.Л.П.
Солиққа оид хатолар.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1996.-128б.-(Буталтер кутубхонаси; Т. 12).

I.Автордош

Тўпламда солиқ тўловчилар (корхоналар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар) фойда (даромад), қўшилган қиймат, табиий ресурслардан фойдаланиш, мулкка эгалик қилиш ва ҳоказолар бўйича солиқларни ҳисоб-китоб қилишда ҳамда тўлашда йўл қўядиган солиққа оид муайян хатолар кўриб чиқилади. Иловаларда солиқ органлари иш юритишда асосланадиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар келтирилган.

Тўплам ҳисобчилар, иқтисодчилар, аудиторлар, тадбиркорлар, иқтисод олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган.



© Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси. Тошкент, 1996 йил.
© "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, Тошкент 1996.

СЎЗ БОШИ

Амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган барча солиқлар бюджетга ўз вақтида ва тўғри тўланиши зарур ҳамда бу ишда хатоликларга йўл қўймаслик жуда муҳим, акс ҳолда солиқ тўловчиларга нисбатан кўпгина жаримавий жазолар қўлланилишига сабаб бўлиши мумкин.

Солиққа оид хатоликларга тўловчилар солиқлар ҳақидаги ахборотга эга бўлмаслик, солиққа тортиш бўйича йўриқномалар ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг нотўғри талқин қилиниши каби турли сабабларга биноан йўл қўяди. Айни вақтда солиққа оид хатолар унчалик ҳам кўп учрамайди. Ушбу тўпламда баён этилган солиққа оид муайян хатолар билан танишиш биринчидан, уларни амалиётда такрорлаш, иккинчидан солиқ органлари томонидан жаримавий жазоларни қўлланилишидан халос бўлишда ёрдам беради.

Тўплам орқали турли даврларда йўл қўйилган ҳамда солиқ органлари, хўжалик судлари ва аудиторлик хулосаларида ифодаланган солиққа доир хатоликлар билан танишасиз. Унда хатоликларни аниқлаш ва уларни тузатиш бўйича эҳтимолий усуллар келтирилган.

1. ФОЙДА (ДАРОМАД) СОЛИҒИ

1.1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиш миқдорини аниқлаш.

1-хато:

лицензиясиз фаолият юритиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг таъсис ҳужжатлари билан танишишда ва лицензияси борлигини текшириш пайтида.

Тегишли органларнинг лицензияси (рухсатномаси) бўлишини талаб қилувчи фаолият турлари билан ижозатсиз шуғулланган ҳақидаги далил аниқланган тақдирда корхона (ташкилот) шу фаолиятдан оладиган бутун даромадини ва қонунсиз равишда олган даромади миқдоридан жаримани маҳаллий бюджетга тўлайди. Бундай корхона фаолияти суд қарори билан тўхтатилиши мумкин.

2-хато:

республика солиқ органларига ўз вақтида бухгалтерия ҳисоботини тақдим этмаслик.

Хатони тузатиш. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 декабрдаги 461-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 14 мартдаги "Асосий маблағлар таркибига ва уларнинг бухгалтерия ҳисобига ўзгартишлар тўғрисида"ги 24/23-сонли хатига биноан, бухгалтерия ҳисоботини тақдим этишнинг қуйидаги муддатлари белгиланган:

- корхоналар учун (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) - бухгалтерия йил-лик ҳисоботини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг кечи билан 15 февралигача;
- чорак ҳисоботини - ҳисобот даври тугагандан кейин кечи билан 25 кунгача;

- вазирликлар ва идоралар учун - ўз фаолияти бўйича - корхоналар учун белгиланган муддатларда;

- йиғма бухгалтерия ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг кечи билан 25 мартигача;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун - ҳисобот йилидан кейинги йилнинг узоғи билан 1 мартигача.

3-хато:

ҳисоб-китоб вараги, валюта ҳисобвараги ва бошқа ҳисобварақларга ёки корхона кассасига келиб тушадиган пул маблағлари (ҳужжатлар) корхонанинг мақсадли молиялаш ёки фондлари ҳисобига, сотилиш ҳисобварақларини четлаб қўшилади.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари:

50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб вараги", 52-"Валюта ҳисобвараги", 56-"Пул ҳужжатлари", 57-"Йўлдаги ўтказмалар" ҳисобварақларини 86-"Захира фонди", 96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварақлари кредити билан боғлиқ ҳолда Бош дафтардаги айланмаларни текшириш пайтида. Мазкур маблағларнинг ҳар бир тушумини солиқ инспектори текшириш давомида албатта кўриб чиқиши шарт ва бунда ҳар бир шундай амалиёт бўйича бирламчи ҳисоб-китоб ҳужжатлари, шунингдек бирламчи ҳужжатларда ҳавола қилинган ҳужжатлар (шартномалар, контрактлар ва ҳоказо) кўтарилади.

Хатони тузатиш. Мазкур маблағлар тушуми одатда маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши билан бевосита боғлиқдир. Давлат солиқ органлари бундай ҳолларда шу тарзда ўтказилган пулларни маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилишидан тушум сифатида бир ёқлама талқин қилади, камайтирилган фойда, қўшилган қиймат солиғи ва маҳаллий солиқлар суммаларини олиб қўяди.

Корхона бундай бухгалтерлик ўтказмасининг ҳаққоний деб тан олиниши учун пул маблағлари тушуми маҳсулотлар сотилиши билан боғлиқ эмаслигини, илгари харажат қилинган маблағлар тикланган (корхона капитал қурилишда улушли иштирок этгани эвазига маблағлар қайтиб тушгани, бажарилмаган хизматлар учун маблағлар қайтгани, вақтинчалик молиявий ёрдам қайтгани ва ҳоказо)ни исботлаши шарт.

4-хато:

мавоза ёки товар-айирбошлаш операцияси бўйича тушумни (унинг давлат солиқ органи корхонани текширмиш пайтида) ўз вақтида акс эттирмаслик.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: давлат солиқ органлари текширган пайтда (муқобил текширувлар, ахборот айирбошлаш чоғида). Текширилаётган корхонага берилган маҳсулот эвазига бирон-бир товар-моддий бойликларни корхонанинг ёки учинчи шахснинг манзилига жўнатилгани ҳақидаги далил аниқланади, корхона эса текширилаётган пайтда товар-моддий бойликларни маҳсулот сотилишидан келган тушум сифатида ҳисобда акс эттирмаган бўлади. Ундан ташқари, давлат солиқ органларига корхона берган маҳсулот эвазига етказиб берувчи манзилига айирбошлаш гарзида товар-моддий бойликларнинг жўнатилгани ҳақидаги ёзма хабар йўлланган маълум бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мазкур хато Бош дафтар ва 6, 8, 11 журнал-ордерлар бўйича бухгалтерия ўтказишини ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил этиш йўли билан аниқланиши мумкин.

Хатони тузатиш. Корхона тайёр маҳсулот, бошқа товар-моддий бойликларни айирбошлаш билан боғлиқ сотилиш операцияларини ҳисобварақларда акс эттириши, шунингдек ҳисоб-китоб ва харажатлар ҳисобварақларини қайта кўриши керак. Мана шундай далиллар аниқланган пайтда корхонадан камайтирилган фойда (даромад), қўшилган қиймат солиғи ва маҳаллий солиқларнинг суммалари олиб қўйилиб, жарима жазо чоралари кўрилиши зарур.

Шуни ёдда тутиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари масъулиятини ошириш чоралари тўғрисида"ги VII-1504-сонли Фармонига биноан бюджетга тўланадиган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси доирасида 1996 йил 1 сентябрдан мавоза асосида маҳсулот етказиб бериш юзасидан контрактлар тузиш тақиқланган.

5-хато:

корхона кассасига ёки ҳисоб-китоб варағига маҳсулотнинг сотилиши ҳисобварақлари юзасидан кредити бўйича эмас, ишлар, хизматлар сотилиши ёки товар-моддий бойликлардан тушумни акс эттириш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари:

Бош дафтар бўйича айланмаларни 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб варағи"ни 10-"Материаллар", 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар", 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари", 26-"Давр харажатлари", 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликлар", 40-"Тайёр маҳсулот", 41-"Товарлар" ҳисобварақлари кредити билан боғлаб текшириш давомида.

Масалан, корхонада транспорт цехи бўлиб, у корхона ходимларининг шахсий эҳтиёжларини қондиришда хизмат кўрсатади. Ходимлар ушбу хизматлар учун корхона кассасига пул ўтказади ва уни бухгалтерия қуйидаги ўтказиш воситасида акс эттиради:

50-"Касса" ҳисобварағининг дебети,

23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағи кредити.

Хатони тузатиш. Мазкур тушум 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилиши лозим. Ушбу ҳолда давлат солиқ органлари бундай хизматларни сотишдан кўрилган камайтирилган фойдани олиб қўйиши, шунингдек жарима жазо чораларини қўллаши мумкин.

6-хато:

асосий воситалар объектларининг баланс қийматидан паст қийматда сотилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари:

асосий воситалар объектларининг сотиб олиниши ва чиқиб кетиши билан боғлиқ хўжалик операцияларига оид ҳужжатларни кўриб чиқиш пайтида.

Хатони тузатиш. Асосий воситалар объектларини сотишда

уларни баланс (бозор) нархидан паст нархда сотилишига рухсат берилмаслигини назарда тутиш зарур.

Бундай далиллар аниқланган чоғда давлат солиқ органлари асосий воситалар қийматини объект сотилаётган пайтда бозорда амал қиладиган нарх даражасига етказиши ҳамда корхонадан камайтирилган фойда солиғи суммасини олиб қўйиб, жазо чоралари кўриши мумкин.

7-хато:

товарлар, маҳсулот (иш, хизмат)лар ва бошқа мулкни таннархидан (баланс қийматидан) юқори бўлмаган нархларда сотиш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари:

Бош дафтарда ва 11 журнал-ордер сотилиш ҳисобварақлари бўйича айланмаларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Корхоналар товар-моддий бойликларни таннархидан (бозор қийматидан) юқори нархларда сотиши лозим. Товар-моддий бойликлар таннархидан юқори бўлмаган нархда сотилгани ҳақидаги далиллар аниқланган ҳолда давлат солиқ органлари (махсус органлар ишлаб чиққан нархлар ҳақидаги маълумотнома бўйича) товар-моддий бойликларнинг сотилиш нархини бозор нархи даражасига етказиши ва корхонанинг солиқ солинадиган фойдасини тафовут суммаси қадар ошириши, камайтирилган фойда ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши мумкин.

Солиқ тўловчи ўзи текшириш пайтигача хатоликни топиб, тузатган тақдирда фақат солиқ суммасини ҳамда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорида пеня тўланади.

8-хато:

маҳсулот (иш, хизматлар)нинг сотилишидан тушумни нотўғри аниқлаш - ҳисобот даври тушумининг таркибига олдиндан тўлаш ҳақи пул суммаларини қўшиш ҳамда улардан фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг ҳисоб-китоб варағи бўйича айланмаларни (2-қайднома ва 2-журнал-

ордер), харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблари (8-журнал-ордер), маҳсулот (иш, хизмат)лар харидорлари билан тузилган шартномаларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1994 йил 22 декабрдаги 123/170-сонли "Корхоналар ва ташкилотларнинг бюджетга фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома"га биноан, барча юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар ва хизмат)дан тушган маблағлар солиқ солиш учун сотишдан тушган тушум ҳисобланади, яъни олдиндан тўлаш бўйича суммалар фойда (даромад) солиғига оид ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмайди.

1.2. Харажатларни шакллантириш

9-хато: ***кўнгилли суғурта бўйича харажатларни чиқим ҳисобварақларига ўтказиш.***

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари. Мазкур хато юридик шахсларнинг юкларини ташиш ишини суғурта қилаётган ташкилотлар давлат солиқ органлари томонидан текширилаётганда (суғурта ташкилоти ва корхона муқобил тарзда текширилаётганда) ёки 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар", 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари кредити бўйича айланмаларни чиқим ҳисобварақлари билан боғлиқ ҳолда текширилаётганда аниқланиши мумкин. Ушбу айланмалар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларида (тўлов топшириқномасида ёки касса кирим ордерига паттада) тўлов мақсадини ифодаловчи "Юкни шартнома бўйича суғурталаш учун..." деган ёзув борлиги аниқланиши мумкин.

Одатда бундай тўловлар юкни темир йўл транспортида жўнатиш пайтида юзага келади (транспорт ташкилотлари юкни албатта суғурталашни талаб қилади).

Хатони тузатиш. Амалдаги тартибга биноан бундай суғурталаш мажбурий эмас, балки кўнгиллидир, чунки у меъёрий ҳужжатларда мажбурий тартибда белгилаб қўйилмаган. Шу боисдан бундай харажат корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан қилиниши зарур. Давлат солиқ органлари жарима жазо чораларини қўллаган ҳолда камайтирилган фойда суммасини олиб қўйиши шарт.

10-хато:

хусусий шахслардан олинган кредитлар учун фоизлар тўлаш билан боғлиқ харажатларни чиқим ҳисобварақлари ҳисобидан ўчириш.

Хатони тузатиш. Мазкур харажатлар давр харажатлари таркибида корхонанинг ўз маблағлари ҳисобигагина амалга оширилади. Улар солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилишда қайта киритилади, чиқим ҳисобварақлари ҳисобидан ўчириш учун ҳисоб ставкаси (қисқа муддатли кредитда ёки етказиб берувчилар кредитида) кредит муассасаларида ва банкларда кредит бериш учун лицензия бўлган тақдирдагина қўлланилади.

11-хато:

турли номоддий активларни, жумладан дастурий маҳсулотларни, лицензияларни, фойдаланиш ҳуқуқига оид гувоҳномаларни олиш бўйича харажатларни чиқим ҳисобварағига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари:

20-"Асосий ишлаб чиқариш", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварақларига харажатлар ўтказилишини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Номоддий активларни сотиб олиш бўйича харажатлар чиқим ҳисобварақлари дебети бўйича эмас, балки 04-"Номоддий активлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 52-"Валюта ҳисобварағи" каби пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқ ҳолда акс эттирилиши керак. Чиқимларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг дебетига 05-"Номоддий активларнинг эскириши" ҳисобварағи билан боғлиқ ҳолда номоддий активларнинг эскириши суммаси ўтказилади. Номоддий активларнинг эскириш миқдори дастлабки қиймат ва улардан фойдали қўлланиш муддати асосида ҳисоблаб чиқилган меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳисоблаб борилади. Фойдали қўлланиш муддатини белгилаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёрий беш йил деб, аммо корхона фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган вақтга белгиланади.

Номоддий активларни сотиб олиш бўйича харажатларни бевосита чиқимлар ҳисобига ўтказиб юборилгани ҳақидаги далиллар аниқланганида солиқ органлари камайтирилган фойда суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши зарур.

12-хато:

моҳиятига кўра капитал сармоя ҳисобланган харажатларни чиқим ҳисобварақларига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: харажатларни чиқим ҳисобварақларига ўтказилганини текшириш пайтида.

Тажрибада асбоб-ускунани монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича, аслида капитал ёки жорий тузатиш эмас, балки ишлаб турган ишлаб чиқариш фондларини тиклаш (замонавийлаштириш)дан иборат бўлган ва қурилиш ташкилотлари бажарадиган ишларга ҳақ тўлаш бўйича қилинган харажатларни чиқим ҳисобварақларига ўтказиш ҳоллари тез-тез учраб туради (Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом, 1994 йил 26 март, 164-модда, 37-банд).

Хатоликни тузатиш. Ушбу харажатлар 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида ҳисобга олиниши зарур. Мазкур ҳисобварақ дебети бўйича қурувчи корхонанинг асосий воситалар объектининг дастлабки қийматига белгиланган тартибда киритиладиган ва киритилмайдиган амалдаги чиқимлари акс эттирилади. Бундай харажатларни чиқим ҳисобварағига тўғридан-тўғри ўтказиш ҳоллари аниқланганида солиқ органлари камайтирилган фойдани олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши керак.

13-хато:

ишлаб чиқариш тарзидаги ишларга, хизматларга қилинган харажатларни қўшилган қиймат солиғи билан бирга чиқимлар ҳисобварағига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари. Ушбу хатоликни кўриб чиқишда шуни кўзда тутиш лозимки, ЎзР Молия вазирлиги ва ЎзР Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 20 мартдаги 04-02-03/106-28-сонли ва 1996 йил 21 майдаги 38/45-сонли хатларига биноан ўз маҳсулоти, иш ва хизматларини сотувчи корхоналар-

нинг ҳисоб-китоб ҳужжатларида қўшилган қиймат солиғи суммаси алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилиши зарур. Хатолик ишлаб чиқариш тарзидаги ишларга, хизматларга ҳақ тўлашга оид харажатларни чиқимлар ҳисобварақларига ўтказилганини ва бухгалтерлик ўтказмаларини текшириш пайтида маълум булади.

Хатони тузатиш. Хўжалик операциялари икки бухгалтерлик ўтказмаси: 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" чиқим ҳисобварақлари дебети ва ҳоказо бўйича ва 19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади. Чиқимлар ҳисобварағининг дебетига фақат битта бухгалтерлик ўтказмаси қилинган тақдирда, дастлабки ҳисоб-китоб ҳужжатини текширишда қўшилган қиймат солиғини чиқим ҳисобварақларига ўтказилгани ҳақидаги далил аниқланиши мумкин. Давлат солиқ органлари хатони аниқлаганда фойда (даромад) солиғини камайтирилган фойда суммасига қадар миқдорда қўшиб ҳисоблаши ва жарима жазо чораларини қўллаши даркор. Шуни назарда тутиш зарурки, агар ҳисобварақларда қўшилган қиймат солиғи алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилмаган бўлса, бу сумма ҳисобга олинмайди.

14-хато:

белгиланган тартибда маҳсулот таннархига (мулк солиғига, ер ости бойликлари солиғига, ер солиғига, сув учун тўловга, экология солиғига, йўл фондлари учун ажратмаларга) киритилиши зарур бўлган, оширилган миқдорларда нотўғри ҳисобланган солиқларни чиқим ҳисобварақларига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: белгиланган тартибда чиқим ҳисобварақларига ўтказиладиган солиқларни ҳисоблаб чиқиш бўйича ҳисоб-китобларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Ортиқча ҳисобланган солиқ суммаси корхонага қайтариб берилиши керак, аммо давлат солиқ органлари худди шу сабабли камайтирилган даромадни олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши керак. Бу каби келишмовчиликларни бартараф этиш учун корхоналарга низоли вазиятлар юзага келган тақдирда бундай солиқларни оширилган миқдорларда ҳисоблаб чиқиб, мана шу баҳсли суммаларни мазкур солиқлар бўйича ҳисоб-китобларга киритиш тавсия қилинади. Аммо баҳсли суммаларни чиқимлар

ҳисобварақларига ўтказмасдан, балки низоли масала ҳал бўлгунига қадар 61-"Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар", 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисоб-китоб варақларида қолдирган маъқул. Бунинг учун давлат солиқ органларига ёзма сўров билан мурожаат қилинади. Ёзма сўровга жавоб олинганидан кейин баҳсли суммалар бўйича ҳисоб-китоб варақларидаги бухгалтерлик ўтказишларига тегишли тарзда тузатишлар киритилади: улар ё чиқим ҳисобварағига ўтказилади ёки ушбу солиқлар бўйича кейинги тўловлар суммаси камайтирилади.

15-хато:

ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланадиган ва келгуси давр харажатлари ҳисобланадиган харажатларни чиқим ҳисобварағига ўтказиш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: харажатларни чиқим ҳисобварақларига ўтказилганини ҳамда давр харажатларини, шунингдек 31-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағи бўйича айланмаларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Корхонанинг келгуси ҳисобот давр-лари (ярим йиллик, 9 ойлик, бир йил олдинги) учун мўлжалланган, яъни ижара, газета ва журналларга обуна бўлиш, алоқа, радио, муҳофаза ва ҳоказолар бўйича харажатлари тегишли даврларнинг чиқим ҳисобварақларига ўтказилиши керак. Ўша вақтга қадар улар 31-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағида ҳисобга олиниши шарт. Шу хато туфайли маҳсулот таннархи оширилгани аниқланган тақдирда давлат солиқ органлари камайтирилган солиқ суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши лозим.

16-хато:

бегона ташкилотларнинг сотиб олинадиган моддий ресурсларни ташиш, сақлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ хизматларига ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатларни чиқимлар ҳисобварағига ўтказиш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: ташкилотларга хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ва 6, 8, 10-журнал-ордерлар маъ-

лумотлари бўйича харажатларнинг тўғри ўтказилганини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Бегона ташкилотларнинг хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар моддий бойликлар таннархига қўшилади, яъни материалларни ҳисобга олиш бўйича 10-"Материаллар", 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварақларининг дебети бўйича 60-"Етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар", 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари кредити билан боғлиқ ҳолда ҳисобга олинади.

17-хато:

корхона ошхонасини сақлаб туриш бўйича харажатларни чиқимлар ҳисобварақларига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: асосий ишлаб чиқариш бўйича сарфларни шакллантириш тўғрилигини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Корхоналарнинг ошхоналари биноларини сақлаб туриш билан боғлиқ сарфлар давр харажатларига киритилиши лозим.

18-хато:

ишлаб чиқариш мақсадларида ишга солинадиган ва ишдан чиқариладиган асосий воситалар бўйича эскиришни нотўғри ҳисоблаш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар эскиришини ҳисоблаш юзасидан 6-ишланма жадвал бўйича текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар объектлари бўйича эскириши улар фойдаланишга топшириладиган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади. Асосий воситалар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан эскиришнинг ҳисобланиши (хатто, у 1-санада фойдаланишга топширилган бўлса ҳам) фойдани ушбу ой учун ҳисобланган эскириш суммасига камайтириши мумкин. Машиналар, асбоб-ускуна ва транспорт воситалари сирасига киралиган, тўлиқ амортизация қилинадиган асо-

сий фондлар бўйича эскиришни ҳисоблаш иши ана шу фондлар қиймати маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматига тўлиқ ўтказилган охирги ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан эътиборан тўхтатилади. Давлат солиқ органлари бундай далилларни аниқланганида фойда (даромад)нинг камайтирилган суммасини олиб қўйиши ва жарима жазо чораларини қўллаши керак.

19-хато:

бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланмаган харажатларни чиқимлар ҳисобварақларига ўтказиш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: таҳлилий ҳисобга олиш регистрлари маълумотларини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Ишлаб чиқариш тусидаги ишлар ва хизматларнинг чиқимлар ҳисобварақларига ўтказилиши зарурий бирламчи ҳужжатлар (бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари, юкхатлари, ҳисобварақлари ва ҳоказолар) билан тасдиқланиши шарт. Бундай ҳужжатлар текшириш пайтида бўлмаса, давлат солиқ органлари шу туфайли камайтирилган фойда суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши лозим.

20-хато:

тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархини бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирмаслик.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: корхона Бош дафтарида 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи бўйича сальдо йўқлиги.

Хатони тузатиш. Корхона бухгалтерлик ҳисобида тугалланмаган ишлаб чиқариш объектлари бўйича барча қолдиқлар акс эттирилиши даркор. Текшириш жараёнида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар топилган ва бинобарин, тайёр маҳсулот таннархи оширилгани ҳақидаги далил аниқланган ҳолда, давлат солиқ органлари камайтирилган фойда (даромад) суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши керак.

1.3. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш

21-хато:

ифлослантирувчи моддаларни "ўл қўйилган меъёрлардан ортиқ даражада атроф-муҳитга чиқарилганлиги учун тўловлар суммалари миқдорида тузатиш киритмай туриб, ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган базасини ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқларнинг мумкин бўлган йўллари: атроф-муҳитнинг экологик аҳволи устидан назорат қилувчи ташкилотларнинг корхонага тақдим этадиган тўлов ҳужжатларини ҳамда солиқларни тўлашга оид ҳисоб-китоб ҳужжатларини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Ушбу харажатлар ишлаб чиқариш чиқимлари сирасига киради, аммо солиққа тортиладиган базага солиқлар тўланмасдан аввал, ҳисоботдан фойда (даромад)га қайта қўшиб киритилади.

22-хато:

қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ узоқ муддатли кредитлар ҳамда харажатлар суммасига тузатиш киритмай туриб, солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг кредит юзасидан шартномаларини, ҳисоб-китоб варағи бўйича айланмаларни (2-қайднома ва 2-журнал-ордер), турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. ЎзР Молия вазирлиги ва ЎзР Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 31 октябрдаги "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга тузатишлар ҳақида"ги 68 ва 96-88-сонли хатига биноан, узоқ муддатли кредитлар бўйича тўловлар (узоқ муддатли кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган (тўланган) фоизлар) ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар 1-иловага киритилган. Фойда (даромад) солиғини ҳисоб-китоб қилишда улар қайта ҳисоблаб, солиққа тортиладиган базага тикланади.

23-хато:

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган зарарни қоплаш меъёрларидан ортиқ сарфланган хизмат сафарларига харажат суммалари миқдорига тузатиш киритмай ва даромад солиғини ушлаб қолмай туриб, ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган базасини ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: хизмат сафарлари учун қилинган харажатларни 50-"Касса" ёки 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари кредитидан ҳисобот давридаги чиқим ва давр харажатлари ҳисобварағининг дебетига асосли равишда ўтказилганини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган зарарни қоплаш меъёрларидан ортиқ сарфланган хизмат сафарлари харажат суммаларига корхоналарнинг қўшимча тўловлари ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган фойда таркибига қайта ҳисоблаб киритилиши зарур. Хизмат сафарига чиққан кишилар учун мазкур қўшимча тўловлар умумий асосларда солиққа тортилиши керак бўлган даромад ҳисобланади.

1997 йил 1 январдаги ҳолатга биноан, хизмат сафари вақтидаги кунлик пул меъёрлари белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори бўйича ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 августидаги 287-ф-сонли махсус фармойиши билан қуйидаги коэффициентларда жорий этилган:

ЎзР дан ташқарида - 0,12;

Тошкент шаҳри ва вилоят маркази бўлган шаҳарларда - 0,1;

бошқа шаҳарлар ва шаҳарчаларда - 0,08.

Хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари ҳақини тўлашда кунлик пул меъёрларига ҳамда муайян хорижий мамлакатлар учун бир кеча-кундузда турар жой биносини ёллаш бўйича харажатларнинг энг кўп меъёрларига риоя қилиш даркор.

429578

БИБЛИОТЕКА СКИЦ им. Кулбышева

24-хато:

зарурий тасдиқловчи ҳужжатларсиз вакиллик чиқимларини давр харажатлари ҳисобварағига ўтказиш. Белгиланган меъёрлардан ортиқ сарфланган вакиллик харажат суммалари миқдорида солиққа тортиладиган базага тузатиш киритмай туриб, фойда (даромад) солиғини ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи, 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредитидан 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи дебетига чиқимни ўтказиш асосли эканлигини, шунингдек ҳисобдор шахсларнинг ҳисоботларини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Вакиллик харажатлари белгиланган меъёрлар доирасида ва улардан ортиқ миқдорда 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига ўтказилади. Вакиллик харажатларининг меъёрлари ЎзР Молия вазирлиги ва ЎзР Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 14 ноябрдаги 04-01-06/309/83-сонли хатида белгиланган.

Мавжуд меъёрлардан ортиқ харажатлар солиққа тортиладиган базага қайта ҳисоблаб киритилиши керак. Ундан ташқари, давр харажатлари ҳисобварағига меъёрлар доирасидаги вакиллик харажатлари ўтказилганини асослаш учун қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар мажбурий тартибда тақдим этилиши зарур:

- корхона раҳбари тасдиқлаган вакиллик харажатлари сметаси (ушбу харажатлар батафсил баёни билан);
- бирламчи тасдиқловчи ҳужжатлар (ресторанлар ва транспорт ташкилотларининг ҳисобварақлари);
- корхона раҳбарининг масъул шахсни тайинлагани ва сметани тасдиқлагани ҳақидаги буйруғи.

25-хато:

ходимларни ўқитиш харажатларини чиқимлар ҳисобварағига ўтказиш, солиққа тортиладиган фойдани унга тегишли тузатиш киритмай ва даромад солиғини ушлаб қолмай туриб ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити билан

боғлиқ ҳолда харажатларни чиқим ҳисобварақлари дебетига асосли равишда ўтказилганини текшириш, шунингдек, иш ҳақини ҳисоблаш ва ундан ушлаб қолиш бўйича ҳисоб-китобларни текшириш пайтида. Тажрибада корхоналарнинг ўз ходимларини ёки уларнинг қариндош-уруғларини, яқинларини ўқитиш учун сарфланган харажатларни тўлаши ҳоллари учраб туради.

Хатони тузатиш. Юқоридаги чиқимлар корхоналарнинг давр харажати ҳисобланади. Уларни харажатлар ҳисобварағига тўғри ўтказиш учун корхона таълим соҳа-сида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган ўқув муассасаси (ташкилоти) билан, шунингдек таҳсил кўраётган ходим билан ўқиш тугаганидан кейин ишлаб бериш ҳақида таълим корхона йўналиши билан боғлиқ бўлиши шарти билан шартнома тузиши зарур. Акс ҳолда давлат солиқ органлари корхонанинг таълим ишига чиқимини корхона ҳисобига қилинган харажат деб баҳолайди.

26-хато:

чиқимларни ҳисобга олишнинг 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварақларига корхона меҳнат жамоасини ижтимоий-маданий ривожлантириш ва унга хизмат кўрсатиш соҳалари учун ҳисобланган харажатларни ўтказиш. Шу мақсадлар учун харажатлар суммасига тузатиш киритмай туриб, солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: чиқимларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига асосий ишлаб чиқариш харажатини ўтказиш ва ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш тўғри амалга оширилганини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Корхонанинг тиббий хизмати ходимлар ва уларнинг фарзандларига берилган санаторий-курорт йўлланмаларига ҳақ тўлаш, совғалар ва вакиллик харажатларига боғлиқ бўлмаган турли жамоа тадбирларига ҳақ тўлашга алоқадор чиқимлари давр харажатлари ҳисобига қилинади ва кейинчалик тегишли ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган базага қайта ҳисоблаб тикланади. Давлат солиқ органлари камайтирилган фойда солиғи суммасини олиб қўйиши ва жарима жазо чоралари қўллаши керак.

27-хато:

жамоа шартномаси бўйича (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган 15 кундан ташқари) қўшимча равишда бериладиган таътиллар бўйича тўлов харажатларини солиққа тортиладиган базага тузатиш киритмай туриб, чиқим ҳисобварақларига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: меҳнат таътилига тўлов ҳисоб-китобларини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Жамоа шартномасига биноан қў-шимча таътиллар бериш ҳамда ижтимоий суғурта фондига шу суммалардан ажратмалар билан боғлиқ корхона харажатлари давр харажатлари сифатида акс эттирилади ва кейинчалик ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган базага қайта ҳисоблаб тикланади. Бундай суммаларни чиқим ҳисобварақларига ўтказиш ҳоллари аниқланган тақдирда давлат солиқ органлари камайтирилган фойда суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши керак.

28-хато:

корхона ходимлари хизмат сафарлари учун шахсий енгил автомобиллардан фойдалангани учун уларга товон пули тўлаш билан боғлиқ харажатлар суммасига тузатиш киритмай туриб, солиққа тортиладиган фойда (даромад) базасини ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: ҳисоблаб ёзилган ва ходимларга берилган пул маблағи акс эттирилган қайдномалар ҳамда корхонанинг солиққа тортиладиган фойда (даромад) бўйича ҳисоб-китобларни ўзаро қиёс-лаш пайтида.

Хатони тузатиш. Хизмат сафарлари учун шахсий енгил автомобиллардан фойдаланганлик учун товон пуллари давр харажатлари ҳисобига амалга оширилади. Кейинчалик бу суммалар солиққа тортиладиган базага қайта ҳисоблаб тикланади. Ходимлар учун бу суммалар белгиланган тартибда даромад солиғига тортиладиган қўшим-ча даромад саналади.

29-хато:

ЎзР Марказий банки ҳисоб ставкасидан ортиқ бўлган банк кредитлари учун фоизлар тўлаш билан боғлиқ чиқим суммаларига тузатиш киритмай туриб, солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг банк билан кредит юзасидан шартномаларини текшириш пайтида ҳамда арифметик ҳисоб-китоб қилиш йўли билан.

Хатони тузатиш. Банкдан олинган кредит бўйича тўланган фоиз суммалари корхона молия фаолиятига оид харажатлар сирасига киради. ЎзР Марказий банки белгилаган ҳисоб ставкаларидан ортиқ кредитлар бўйича, шунингдек муддати кечиккан ва узайтирилган ссудалар бўйича тўловлар ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган фойдасига қайта қўшилиши шарт.

30-хато:

солиққа тортиладиган базага тузатишлар киритмай ва даромад солиғини ушлаб қолмай туриб, газеталар ва журналларга якка тартибдаги обуна харажатларини чиқим ҳисобварақларига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар", 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари кредитидан чиқим ҳисобварақлари дебетига харажатлар асосли равишда ўтказилганини текшириш пайтида. Тажрибада шундай ҳоллар учрайдики, корхоналар зарур адабиётни (техник, иқтисодий ва ҳоказо) ходимларнинг уй манзилига обуна қилиб, бу - юридик шахслар учун обуна қилишдан анча арзонга тушади, адабиётларни олиш нуқтаи назаридан ҳам ишончли, деб важ кўрсатишади.

Хатони тузатиш. Давлат солиқ органлари корхона ходими уй манзилига газеталар ва журналларнинг обуна қийматини якка тартибдаги обуна учун қилинган харажат деб баҳолайди. Бу харажат давр харажатлари ҳисобига қилинади ва солиққа тортиладиган тегишли базани ҳисоб-китоб қилишда қайта ҳисоблаб тикланади. Уй манзилларига обуна расмийлаштирилган ходимлар учун бу суммалар умумий асосда даромад солиғига тортиладиган қўшимча даромад саналади. Давлат солиқ органлари бундай да-

лилларни аниқлаган ҳолда, камайтирилган фойда (даромад) суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши зарур.

31-хато:

ижтимоий-маданий соҳа объектларига тааллуқли асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш ва уларни 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварақларига киритиш. Мазкур асосий воситалар бўйича эскириш суммасини ҳисобга олмасдан солиққа тортиладиган базани аниқлаш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: ҳисобланган эскириш суммасини 6-ишланма жадвалдан чиқимлар ҳисобварағига ўтказишни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Ижтимоий-маданий соҳа объектларига тааллуқли асосий воситалар бўйича эскиришни (умумий чиқимлар таркибида) 26-"Давр харажатлари", 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварақлар харажатига киритилиши ҳамда ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган фойдасига қайта ҳисоблаб тикланиши керак. Текширишни ўтказаётган давлат солиқ органлари камайтирилган фойда суммасини олиб қўйиши ва жарима жазо чорасини қўллаши лозим.

32-хато:

касаба уюшмаларига фонзларда фойда (даромад)дан ажратмаларни, шунингдек касаба уюшмалари ва корхонадаги бошқа жамоат ташкилотларини сақлаб туриш бўйича харажатларни чиқим ҳисобварақларига ўтказиш. Мазкур суммаларга тузатишлар киритмай туриб, солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 15-журнал-ордер, 15-қайднома маълумотларини ҳамда фойда (даромад) солиғи ҳисоб-китобини текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Касаба уюшмалар ва корхонадаги бошқа жамоат ташкилотларини сақлаб туриш учун фойда (даромад)-дан ажратмалар давр харажатлари ҳисобига қилинади. Улар фойда (даромад) солиғини ҳисоб-китоб қилишда солиққа тортиладиган фойда (даромад) суммасига қайта қўшилиши керак.

33-хато:

бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, тўловлар ҳамда йиғимларни ўз вақтида ўтказмаганлик учун тўланган пеня суммаларини 80-"Фойда ва зарарлар" ҳисобварағига ўтказиш. Шу суммалар миқдорида тузатиш киритмай туриб, солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: солиқ тўловчиларнинг бюджетга барча солиқларни ва тўловларни тўлаш бўйича шахсий ҳисобварақларини (улардан солиқни бюджетга ўз вақтида ўтказилмагани учун пеня суммалари акс эттирилади), тўловчи пулини тўлаган ёки солиқ органлари инкасса топшириқномалари билан олиб қўйганларини ҳамда корхонанинг ҳисоб-китоб варағи бўйича журнал-ордер ва қайдномаларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Солиқ қонунларини бузганлик учун жарималар ва пенялар тўлаш бўйича харажатларни 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига ўтказиш, уларни солиққа тортиладиган базага қайта ҳисоблаб мажбурий тиклаш керак. Давлат солиқ органлари камайтирилган фойда (даромад) суммасини олиб қўйиб, жарима жазо чораларини қўллаши зарур.

34-хато:

ортиқ моддий бойликлар камомади ва йўқотиши билан боғлиқ харажатларга тузатиш киритмай туриб, солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш. Бу суммаларни хўжалик фаолияти натижалари - 80-"Фойда ва зарарлар" ҳисобварағи дебетига ўтказиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи дебети бўйича айланмаларни товар-моддий

бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварағи ҳамда 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи кредити билан боғлиқ ҳолда текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Табиий ишдан чиқиш меъёридан ортиқ моддий-товар бойликлар камомади ва йўқотишига оид суммалар 84-ҳисобварақ кредитидан 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети, "Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағига ўчирилади. Айбдорлар аниқ топилмаган, шунингдек даъволар асосланмагани оқибатида суд камомад ва ўғирликларни ундиришни рад этган ҳолларда ушбу зарарлар 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига ўтказилади ҳамда кейинчалик ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган базага қайта ҳисоблаб тикланади.

35-хато:

турар жой-коммунал хўжалиги объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар суммаси миқдорида тузатиш киритмай туриб, солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоб қилиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхона Бош дафтаридаги 26-"Давр харажатлари", 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар", 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварақлар бўйича айланмаларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Корхонанинг турар жой-коммунал хўжалиги объектларини сақлаб туришга мўлжалланган даромадлари ҳамда харажатлари 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағида алоҳида ҳисобга олиниб, унинг бўйича сальдо 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига тегишлидир. Солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқишда ушбу харажатлар қайта ҳисоблаб тикланади.

36-хато:

80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг "Фойда ва зарарлар" илова ҳисобварағида молиявий фаолиятдан банкдаги депозит ҳисобварақлари бўйича олинган фоизларнинг акс эттирилмаслиги.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб вараги". 52-"Валюта ҳисобвараги" ҳисобварақ-

лар бўйича Бош дафтарда оборотлар текширилганда. Одатда, корхоналар банкдаги депозит ҳисобварақлари бўйича олинган фоизларни қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттиради:

51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи дебети

76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити.

Хатони тузатиш. Депозит қўйилмалар бўйича фоизлар суммасини пул маблағларини ҳисобга олиш дебетида 80-"Фойда ва зарарлар" ҳисобварағи кредити билан ўзаро боғлаб акс эттирилади.

Давлат солиқ идоралари солиқ солинадиган фойда (даромад) камайтириб кўрсатилганини аниқлаганида яширилган фойда (даромад) суммасини ундириши ва молиявий жазо чораси қўллаши зарур.

37-хато:

давлат солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида ўтган давр учун аниқланган камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) суммасининг бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақларида тиклаб қўйилмаганлиги.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: аввалги текширувларда далолатномалар ва 15-журнал-ордердаги ўтказиш тузатилиши бўйича таклифлар бажарилиши текширилганда.

Хатони тузатиш. Корхона бухгалтериясида камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) суммаларига ҳамда давлат солиқ идораларининг текширув далолатномаларида акс эттирилган бузилган суммаларга тузатув ўтказишлари берилади. Қайта текширувда жорий бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботида камайтириб кўрсатилган фойда суммаси.

81-"Ҳисобланган ва тўланган фойда (даромад) солиқлари" ҳисобварағи дебети

80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи кредити ўтказиши билан тиклаб қўйилмаганлиги (корхона бухгалтерияси фойда ҳақиқатан камайтириб кўрсатилганини тан олмаслиги, бош бухгалтер ўзгаргани ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар туфайли) аниқланганда корхонага нисбатан яна жарима солиш чоралари қўлланилиши мумкин.

38-хато:

қарздор томонидан тан олинган (суд ҳукми билан), аммо корхонанинг ҳисоб-китоб варағига келиб тушмаган пенялар, жарималар, бурдсизлик тўлови суммаларининг ҳисобот даврининг операция даромадларига киритилмаслиги.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонада мавжуд бўлган суд қарорлари ва дебиторлар билан ёзишмалар, шунингдек 80-"Фойда ва зарарлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобга олиш рўйхатлари қиёслаб текширилганда.

Хатони тузатиш. Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ корхонанинг операциялардан олган даромадларига хўжалик шартномаларини бузганлик учун нафақат ундирилган, балки қарздор томонидан тан олинган жарималар, пенялар, бурдсизлик тўлови ва бошқа турдаги жазо чоралари суммалари ҳам қўшилади. Улар солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда ҳам инобатга олинади.

Давлат солиқ идоралари бундай қоидабузарликларни аниқлаганида камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) суммасини ундириши ва жарима солиш чоралари қўллаши керак.

39-хато:

ташкил этилиши таъсис ҳужжатларида кўзда тутилмаган захира фондининг корхонанинг солиқ солинадиган фойдаси (даромади)дан чиқариб ташланиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг таъсис ҳужжатлари, фойда (даромад) солиғининг ҳисоб-китоблари, 12-журнал ордер бўйича оборотлар текширилганда.

Хатони тузатиш. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан захира фондларни, агар таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, қўшма корхоналар ва акциядорлик жамиятлари ташкил қилишлари мумкин. Қўшма корхоналар захира фондларни ҳали солиқ солинмаган фойда ҳисобидан, устав капиталининг 25 фоизи доирасида, акциядорлик жамиятлари эса жамият ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобидан ўша миқдорда ташкил қилади. Ташкил қилиниши таъсис ҳужжатларида назарда тутилмаган захира фондни шакллантиришга ажратилган маблағларнинг со-

лиқ солинадиган фойдадан чиқариб ташланиши ёки қонунда белгиланган миқдордан юқори бўлишини давлат солиқ идоралари фойда (даромад)ни камайтириб кўрсатиш, деб ҳисоблайди ва бунинг учун жарима солиш чоралари қўлланилади.

40-хато: ***фойда солиғидан имтиёзларнинг нотўғри қўлланилиши.***

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхона учун фойда солиғидан имтиёзлар суммасини ҳосил қилувчи ҳисоб-китоблар ёпасига текширилганда.

Хатони тузатиш. Корхоналар кўпинча фойда (даромад) солиғидан имтиёзларни нотўғри қўллайди. Имтиёзларни нотўғри белгилаганлик учун жарима чоралари пеня билан чекланади, у фойда (даромад) солиғи бюджетга ўз вақтида ўтказилмаганда ёзилади. Корхоналарга имтиёзлар белгилашда юзага келувчи ҳар бир мунозарали масала бўйича ҳисоботни қабул қилувчи давлат солиқ идораларига ёзма сўров билан мурожаат қилиш тавсия этилади.

41-хато: ***пейжинг ва уяли алоқага доир харажатларнинг асосий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларига киритилиши. Солиқ солинадиган базанинг ана шу харажатларни инобатга олмасдан ҳисоблаб чиқарилиши.***

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: харажатларнинг харажатлар ва оборотлар ҳисобварақларига тўғри киритилганлиги 8, 10-журнал-ордерлар ва 15-қайднома бўйича текширилганда.

Хатони тузатиш. Пейжинг ва уяли алоқа воситаларини ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланиш харажатлари давр харажатлари ҳисобига 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити билан боғлаб амалга оширилади ҳамда солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқаришда улар солиқ тўланмасдан олдин фойда (даромад) суммасига қайта қўшиш усулида тиклаб қўйилмоғи лозим (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 31 октябрдаги "Харажатлар таркиби тўғриси-

даги низомга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида"ги 68 ҳамда 96-88-сонли хати).

42-хато:

корхона ходимларига коммунал хизматлар ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг солиқ солинадиган фойдага киритилмаслиги ва ана шу суммалардан даромад солиғи ушлаб қолинмаслиги.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи (7-журнал-ордер), 76-"Турли дебиторлар ва кредитдорлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи (8-журнал-ордер) ҳамда иш ҳақи ёзиш ва ундан ушлаб қолиш қайдномалари (5-ишланма жадвал) бўйича оборотлар текширилганда.

Хатони тузатиш. Корхонанинг ходимларга коммунал хизмат ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатлари давр харажатлари ҳисобидан қилинади ва шу номдаги ҳисобварағда пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити билан боғлаб акс эттирилади. Солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда улар солиқ солинадиган базага қайта ҳисоблаш усулида қўшилиши керак (харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом 1-иловасининг 3.9-банди). Бу харажатлар корхона ходимлари учун қўшимча даромадлар саналади ва шу боис умумий тартибда даромад солиғига тортилиши лозим.

43-хато:

йил якунларига кўра мукофотлар тўлаш ва улардан ижтимоий суғурта фондига маблағлар ажратиш билан боғлиқ корхона харажатларининг солиқ солинадиган базага қўшилмаслиги.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: харажатларни ҳисобга олишнинг 20 "Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари", 26-"Давр харажатлари" ҳисобварақларига харажатларнинг ўтказилиши, 5-ишланма жадвал маълумотлари ва фойда солиғи ҳисоб-китоблари текширилганда.

Хатони тузатиш. Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга биноан йил якунларига кўра мукофотлар суммалари ва улардан

ижтимоий суғуртага ажратилган маблағлар солиқ солинмасдан олдин қайта ҳисоблаш усулида фойда (даромад) солиғига қўшилади (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ солиш масалаларига доир 1996 йил 13 майдаги 09/1-2121-сонли тушунтиришлари)

44-хато:

ҳисоб-китоб қилишда солиқ солинадиган базанинг бошқа корхона ва банкларнинг устав капиталларига, акциялари, пайларига маблағлар жойлаш (сармоялаш) билан боғлиқ харажатларнинг имтиёзли қисмига киритилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари оборотлари ва 2, 3, 8-журнал-ордерлар бўйича ҳамда ҳисобот даврининг солиқ солинадиган базаси ҳисоб-китоблари текширилганда.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунларига мувофиқ корхоналарнинг капитал қўйилмалари (сармоялари)га имтиёзлар фойда (даромад) солиғи ҳисоблаб чиқилаётганда белгиланади. Аммо бунда шуни назарда тутиш керакки, сармояларнинг корхона кенгайтирилишини, унинг ишлаб чиқариш-техника асоси такомиллаштирилишини таъминлайдиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажмларини оширишга ёрдам берадиган қисмигагина имтиёзлар берилади. Берилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда фойда (даромад) солиғининг умумий суммаси имтиёзларни инобатга олмасдан ҳисоблаб чиқилган солиқ суммасининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги зарур.

45-хато:

солиқ солинадиган базага тузатиш киритмасдан корхона ходимларига моддий ёрдам пули тўланиши ва бу маблағларнинг бухгалтерлик ҳисобида ўтган ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (даромади)дан фойдаланиш сифатида акс эттирилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: харажатларнинг 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига тўғри киритилганлиги ва

оборотлар 12, 15-журнал-ордерлар бўйича, шунингдек ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган фойдаси (даромади) ҳисоб-китоблари текширилганда.

Хатони тузатиш. Ходимларни тақдирлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоб-китоб варағидаги (кассадаги) бўш маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Бухгалтерлик ҳисобида улар давр харажатлари сифатида акс эттирилади ва қайта қўшиш орқали солиқ солинадиган базада албатта тиклаб қўйилади. Бу суммаларни ҳисоблаб чиқишда 87-"Тақсимланмаган фойда" ҳисобварағидан (қопланмаган зарардан), яъни ўтган ҳисобот даврларининг капиталлаштирилган фойдасидан фойдаланиш бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақлари режасини юритишни ва амалдаги Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомни бузиш ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги "Корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботидаги ўзгаришлар тўғрисида"ги 17-02/28-сонли хати). Давлат солиқ идоралари солиқ солинадиган фойда (даромад)нинг камайтириб кўрсатилганини аниқлаганида камайтириб кўрсатилган фойда суммасини ундириши ва жарима солиш жазо чорасини қўллаши даркор.

46-хато:

текинга олинган асосий воситаларнинг ҳисобда нотўғри акс эттирилиши ва нотўғри солиққа тортилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ операциялар текширилганда.

Хатони тузатиш. Амалдаги тартибга кўра, текинга олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати қуйи-даги бухгалтерлик ёзувлари билан бошланғич қийматида акс эттирилади:

01-"Асосий воситалар" ҳисобварағи дебети

80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи кредити - қолдиқ қиймат суммасига.

02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағи кредити - эскириш суммасига.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 28 мартдаги 04-02-04/91 ва 24-сонли хатига мувофиқ асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати фойда (даромад) солиғи солинадиган объект саналади.

Мазкур асосий воситалар сотилган тақдирда 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи бўйича дебет сальдоси (зарар) ёки кредит сальдоси (даромад) 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. 47-ҳисобварақ бўйича олинган дебет сальдоси солиққа тортиладиган база миқдорида акс эттирилмайди, кредит сальдоси суммаси эса фойда (даромад) солиғини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинади ҳамда солиққа тортиладиган фойда ана шу суммага ортади.

47-хато:

ижтимоий ва ноишлаб чиқариш соҳаси объектлари қурилганда (харид қилинганда) солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда имтиёзларнинг нотўғри қўлланилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: солиққа тортиладиган фойда (даромад) ҳисоб-китоблари текширилганда.

Хатони тузатиш: солиқ солинадиган база қурилиш (сотиб олиш) харажатлари суммасига, ижтимоий ва ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини тутиб туриш харажатлари суммасига камайтирилади. Аммо бунда фойда (даромад) солиғи суммаси солиқдан берилган имтиёзларни ҳисобга олганда имтиёзларни инобатга олмасдан ҳисобланган солиқлар суммасининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозимлигини назарда тутиш керак.

48-хато:

экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун фойдаланилган моддий манбалар суммасига қўшилган қиймат солиғи тўланиши.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартдаги Фармонига мувофиқ экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт қилинувчи товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда фойдаланилган моддий манбалар учун қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этиладилар.

49-хато:

корхонанинг экспорт товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмини ўстиришдан олган эркин айирбошланадиган валютадаги тушумидан бюджетга фойда (даромад) солиғи тўланиши.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартдаги Фармонига биноан ҳисобот йили якунларига кўра экспорт товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмини оширишдан корхона олган эркин айирбошланадиган валютадаги тушум фойда (даромад) солиғидан озод этилади.

50-хато:

кредиторлик қарзи суммаларининг бухгалтерлик ҳисоби ва солиқ солинадиган база ҳисоб-китобида нотўғри акс эттирилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: корхона дебиторлари ва кредиторлари билан ҳисоб-китоблар текширилганда.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомнинг 68-бандига мувофиқ даъво муддати тамом бўлган кредиторлик қарзи суммалари хўжалик фаолияти натижаларига қуйидаги ўтказишлар билан киритилиши зарур:

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети

76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети

80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи кредити.

Солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда бу суммалар корхонанинг умумий даромадига қўшилади ва фойда (даромад) солиғига тортилади.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқилмайди.

Давлат солиқ идоралари солиқ солинадиган базанинг даъво муддати тугаган кредиторлик қарзи суммасига камайтирилганини аниқлаганда солиқ солинадиган базани кредиторлик қарзи суммасини инобатга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқариши ва солиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ жарима солиш жазо чорасини қўллаши лозим.

61-хато:

корхона филиалларини солиққа тортишга доир меъёрий қоидаларнинг нотўғри талқин этилиши.

Хатони тузатиш: баланси мустақил қилиб ажратилган, банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи бўлган корхона филиаллари юридик шахслар ҳисобланади ва шундан келиб чиққан ҳолда барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга (шу жумладан солиқлар тўлаш бўйича ҳам) эга бўлади. Филиаллар асосий корхонага ҳисобот беради. Бу ҳисобот асосий корхона жамлама ҳисоботига киритилади ва фойда (даромад) солиғини ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинади.

II. СОТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЯЛПИ ДАРОМАДИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

52-хато:

ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятларини қўшиб олиб борадиган корхоналарда қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг солиққа тортишга оид қисмининг нотўғри талқин қилиниши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг таъсис ҳужжатлари билан танишаётганда ва бюджет билан ҳисоб-китоблари текширилганда.

Хатони тузатиш. Ўз балансига ва банк муассасасида ҳисоб-китоб варағига эга бўлган ҳамда асосий фаолият тури (савдо ёки умумий овқатланиш) кўрсатилган ҳолда барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатига киритилган умумий овқатланиш, чакана ва улгуржи савдо корхоналари (базалар, универсал дўконлар, фирма дўконлари, омборхоналар, палаткалар, дўкончалар, дорихоналар, ишчи таъминоти бўлими - ОРСлар, ишчи таъминоти бошқармаси - УРСлар) солиққа тортиш мақсадида сотувчи ташкилотларга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 мартдаги "Савдо корхоналари ва ташкилотларига солиқ солишдаги айрим ўзгаришлар тўғрисида"ги 138-сонли қарорига мувофиқ савдо ташкилотлари, мулкчилик шаклидан ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, бюджет билан ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китоб қилади. Корхоналар асосий фаолияти билан бир қаторда савдо фаолияти билан шуғулланганда алоҳида ҳисоб юритиши ва фаолиятнинг ҳар бир тури учун амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқларни тўлаши лозим.

Уставида назарда тутилган асосий фаолиятидан таш-қари савдо фаолияти билан ҳам шуғулланадиган, шунингдек ўз балансида мустақил балансга ва банк муассасаларида ўз ҳисоб-китоб варағига эга бўлмаган фирма дўконларига эга корхона ҳамда ташкилотлар фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа солиқ ҳамда тўловларни тўлайди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1995

йил 16 августдаги "Савдо корхоналари ва ташкилотларига солиқ солиш тўғрисида"ги 82/65-сонли хати). Корхонанинг фаолият тури Истиқболни белгилаш давлат қўмитаси коди бўйича аниқланади.

53-хато:

ялпи даромад солиғи ҳисоб-китобларининг ўз вақтида тақдим этилмаслиги ва бу солиқнинг ўз вақтида тўланмаслиги.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлари ва ҳисоб-китоб варағи бўйича оборотлари текширилганда.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1994 йил 31 мартдаги 32/107-сонли "Сотувчи корхона ва ташкилотларнинг ялпи даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларининг вақтинчалик тартиби"га мувофиқ солиқлар ҳисоб-китобини тақдим этиш ҳамда уларни тўлашнинг ушбу муддатлари белгиланган:

- ойлик ўртача тўловлари 1 минг сўмгача бўлган корхоналар учун - ҳар ойда, кейинги ойнинг кечи билан 15-кунигача;
- ойлик ўртача тўловлари 1-5 минг сўмгача бўлган корхоналар учун - ҳар қайси ойнинг ўзоғи билан 20-кунигача - аввалги ойнинг ҳақиқий оборотлари бўйича бўнак тўловлари;
- ойлик ўртача тўловлари 5 минг сўмдан ортиқ бўлган корхоналар учун - ҳар қайси ойнинг 13, 23 ва 3-кунидан кечиқмасдан - аввалги ойнинг ҳақиқий оборотлари бўйича ойлик солиқ суммасининг 1/3 қисми миқдорида тенг бўлаклар тарзидаги бўнак тўловлари.

Ялпи даромад солиғига доир ҳисоб-китоблар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиқмасдан тақдим этилади.

54-хато:

товарлар консигнация шартлари асосида сотилганда олинган даромадга солинадиган солиқ турининг савдо ташкилотлари томонидан нотўғри аниқланиши.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 10 апрелдаги

39/31-сонли хатига биноан, корхоналарнинг кейинчалик консигнация шартлари асосида сотиш учун олган товарлари балансдан ташқари 002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағида кирим қилиниши, улар сотилганда эса олинган даромадлар (воситачилик ҳақлари, устама ҳақлар, сийловлар, товарни сотиш нархи билан консигнация шартномасида кўрсатилган нархи ўртасидаги тафовут)дан бюджетга тегишли солиқлар тўланиши керак.

5й-хато:

ялпи даромад солиғи имтиёзларидан нотўғри фойдаланилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблари текширилганда.

Хатони тузатиш. Хусусийлаштирилган (хусусий мулк шаклида ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги) корхоналарга ялпи даромад солиғидан имтиёзлар олишга ҳақлидир. Уларга рўйхатга олинган пайтидан бошлаб биринчи йилда солиқни 25 фоизлик ставка билан, иккинчи йили эса белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида тўлаш ҳуқуқи берилган.

Ялпи даромад солиғи ставкаси савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг фаолият тури, даромадлилик даражаси ва турган жойига қараб табақалаштирилган тарзда белгиланади.

56-хато:

реализациядан ташқари операциялар сальдосига солиқ солишда солиқ ставкаларининг нотўғри қўлланилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: ялпи даромад солиғи ҳисоб-китоблари текширилганда. Корхоналар тажрибасида, одатда, сотувдан ташқари операцияларни солиққа тортишда 17 фоизга тенг солиқ ставкаси қўлланилади.

Хатони тузатиш. Сотувдан ташқари харажатлар сальдоси тегишли ҳисобот даврининг ялпи даромад солиғига қўлланиладиган ставкада солиққа тортилмоғи даркор.

III. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

57-хато:

қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларининг қонун ҳужжатларида белгиланмаган муддатларда тақдим этилиши ва бюджетга тўланиши.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1993 йил 15 январдаги "Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги 9/16-сонли йўриқномага киритилган ўзгартишларга, 1994 йил 10 мартдаги 28/100-сонли ва 1995 йил 28 апрелдаги 04-02-04/1296 сонли хатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ҳисоб-китобини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунида тақдим этишлари, солиқнинг ўзини эса ўтган ҳисобот даврида сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳақиқий оборотларга қараб тўлашлари керак. Қўшилган қиймат солиғини тўлашнинг қуйидаги муддатлари белгиланган:

- ойлик солиқ тўловлари 1500 сўмдан кам бўлмаган корхоналар учун - ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг кечи билан 20-кунигача;
- ойлик ўртача солиқ тўловлари 1500-5000 сўмгача бўлган корхоналар учун - ҳар ойда, кейинги ойнинг узоғи билан 20 кунигача;
- ойлик ўртача солиқ тўловлари 5000 сўмдан ортиқ бўлган корхоналари учун - ҳар ўн кунликда, ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг 1/3 қисми миқдорида, кейинги ойнинг 15, 25 ва 5-кунидан кечиктирмасдан.

Ҳисоблаб чиқилган ва бўнак тўловлари ўз вақтида тўланмаганда бўнак тўловлари муддати бошланган кундан кейинги кундан бошлаб тўланмаган ҳар бир кун учун (шу жумладан, тўланган кун учун ҳам) аввалги қиёсланадиган даврда ҳисоблаб чиқилган солиқ ёки боқимонда суммасининг 0,15 фоизи миқдорида жарима ёзилади.

Суммалар давлат бюджети даромадларининг тегишли ҳисобварағига ўтказилган вақтдан қатъи назар, кредит муассасаси тўловчининг ҳисобварағидан тўловни ўчирган кун солиқ тўланган кун ҳисобланади.

58-хато:

ҳисоб-китоб ҳужжатларининг қўшилган қиймат солиғи суммаларини ажратиб кўрсатиш борасида нотўғри расмийлаштирилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлари текширилганда.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 20 мартдаги 04-02-03/106-28-сонли ва 1996 йил 21 майдаги 38 ва 45-сонли хатига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқилаётганда қўшилган қиймат солиғининг хом ашё, материаллар, бутлаш қисмлари етказиб берганларга, хизматлар кўрсатганларга тўланган ва уларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларида қўшилган қиймат солиғи алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилган суммаларигина қарз суришишга қабул қилинади.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган маҳсулотлари, ишлари, хизматларини сотадиган корхоналар тўлашга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларида қўшилган қиймат солиғи суммасини алоҳида сатрда ажратиб кўрсатиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғидан озод этилган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар сотилганда ҳисоб-китоб ҳужжатларига штамп босилиши ёки "ҚҚС сиз" деб ёзиб қўйилиши керак.

Белгиланган тартиб бузилганда давлат солиқ идоралари амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган жазо чораларини қўллаши зарур.

59-хато:

ижара ҳақининг бухгалтерлик ҳисобида ва солиққа тортишда нотўғри акс эттирилиши, яъни ижара ҳақи суммасининг қўшилган қиймат солиғи солинадиган объектга киритилмаслиги.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 25 мартдаги 17-10/41 ва 30-сонли хатига биноан ижарага берувчи корхонанинг ижара ҳақи суммаси унинг ялпи даромадининг бир қисми саналади ва қуйидаги ўтказишлар билан умумий белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи ҳамда фойда (даромад) солиғига тортилади:

- 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи дебети

46-"Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши" ҳисобварағи кредити - келиб тушган ижара ҳақи суммасига;

- 46-"Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши" ҳисобварағи дебети

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити

80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи кредити - ижара ҳақи таркибидаги қўшилган қиймат солиғи суммасига ҳамда мулкни ижарага беришдан олинган фойда суммасига.

60-хато:

ҳақи чет ташкилотларга тўланадиган ва ижтимоий ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган моддий манбалар, маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг давр харажатларига қўшилган қиймат солиғисиз ҳисобдан чиқарилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 2, 6, 8-журнал-ордерлардаги 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи, 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг "ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағи, 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақда оборотларни акс эттирувчи бухгалтерлик ўтказишлари текширилганда.

Хатони тузатиш. Ижтимоий ва ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар)га доир қўшилган қиймат солиғи ажратиб кўрсатилмайди. Улар ушбу ўтказишлар орқали қўшилган қиймат солиғи суммаси билан бирга давр харажатларига ҳисобдан ўчирилади:

26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи дебети

10-"Материаллар" ҳисобварағи кредити

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити

ва айни чоғда қўшилган қиймат солиғи суммасига

26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи дебети

19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағи кредити. Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида мазкур сумма акс эттирилмайди.

Солиқ ушбу ноишлаб чиқариш эҳтиёжларини молиялашнинг тегишли манбалари ҳисобидан тўланади.

61-хато:

ҳиссбда келгуси даврлар харажатлари сифатида ўтказилган харажатларга доир қўшилган қиймат солиғининг нотўғри ҳисоблаб чиқарилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: Мазкур хато 2, 8-журнал-ордерлардаги 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг "Қўшилган қиймат солиғи" илова ҳисобварағи бўйича операцияларни шакллантирувчи бухгалтерлик ўтказишлари текширилганда аниқланиши мумкин.

Хатони тузатиш. Келгуси ҳисобот даврларига киритиладиган корхона харажатларида, одатда, фойда солиғи ҳисоботи билан қўшилган қиймат солиғига доир ойлик ҳисоб-китоблар ўртасида тафовут бўлади. Масалан, 1996 йилнинг октябрь ойида корхона 1996 йил IV чораги учун ижара ҳақини тўлаган эди. Ижара ҳақининг жами суммаси 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига ўтказилганди. Ушбу ўтказиш фойда солиғининг йиллик ҳисоб-китобига таъсир қилмайди, чунки харажатлар ҳар қандай ҳолда ҳам ҳисобот йили охиригача, яъни 1996 йил 31 декабргача давр харажатлари ҳисобварағига ўтказилади.

Аммо мазкур ҳисоб-китоб 20 дан 25 ноябргача бўлган даврда мавзулар бўйича текширилганда у нари борса ушбу ижара ҳақидан олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 2/3 қисми қарзини суришишга қабул қилинади, бироқ солиқ суммасининг 1/3 қисми қарзинигина суришишга қабул қилиниши ҳам мумкин, негаки ноябрь ойи учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби ҳали тақдим этилмаган. Солиқнинг қолган суммаси камайтириб кўрсатилган солиқ сифатида таърифланади ва ундирилади ҳамда жарима солиш жазо чораси қўлланилади. Шу боис бундай хатога йўл қўймаслик учун келгуси даврлар харажатлари билан боғлиқ вазиятларда ана шундай харажатларга доир қўшилган қиймат солиғини фақат ойма-ой қарз суришишга қабул қилиш тавсия этилади.

62-хато:

янглишиб солиқни қўшилган қиймат солигидан озод этилган ишлар (хизматлар) ҳақи харажатларидан ажратиб кўрсатилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: ҳисоб-китоб-гўлов ҳужжатлари текширилганда. Корхона ишлар (хизматлар) ҳақи-

ни тўлашга доир ҳисоб-китоб ҳужжатларида янглишиб қўшилган қиймат солиғини ана шу солиқдан озод этилган ишлар, хизматлар бўйича ажратиб, ҚҚС ҳисоб-китобларида уни қарз суришишга қабул қилган бўлиши ҳам мумкин.

Хатони тузатиш. Қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1993 йил 15 январдаги "Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги 9/16-сонли йўриқномасида келтирилган. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар сотилганда ҳисоб-китоб ҳужжатларига штамп босилиши ёки "ҚҚС сиз" деб ёзиб қўйилиши керак. Ана шундай харажатларга доир қўшилган қиймат солиғи суммасини янглишиб қарз суришишга қабул қилиш камайтириб кўрсатилган солиқнинг ундирилиши ва жарима солиш жазо чорасини қўлланилишига олиб келиши мумкин.

63-хато:

харид қилинган жиҳозлар таркибида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ишга туширилгунга қадар ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан ўчирилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: асосий воситалар объектларини фойдаланишга топшириш далолатномалари, 6-ишланма жадвалидаги асосий воситаларнинг эскириш даражасини ҳисоблаб чиқишга ва уларни харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига киритишга доир маълумотлар текширилганда.

Харид қилинган жиҳозлар корхонада ҳали ишга туширилмасдан туриб қўшилган қиймат солиғи суммаси тенг бўлакларга бўлинган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан ўчирилган бўлиши ҳам мумкин.

Хатони тузатиш. Харид қилинган асосий воситалар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммалари уларнинг бошланғич (баланс) қийматига қўшилади. Тўланган солиқ суммасини ҳисобдан чиқариш жиҳозлар ишга туширилган пайтдан бошлаб, эскирганлик даражасини ҳисоблаб чиқиш ва уни харажатлар ёки давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағига киритиш йўли билан амалга оширилади.

64-хато:

қўшилган қиймат солиғи суммаларининг 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи дебетида ҳисобга олинувчи бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари бўйича нотўғри акс эттирилиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: оборотлар 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи бўйича текширилганда.

Хатони тузатиш. Адо этилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммалари 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи дебетида бажарилган ишлар қиймати билан бирга ҳисобга олинади. Улар бюджет билан ҳисоб-китобларга ўтказилмайди, асосий воситалар объектлари ишга туширилгандан сўнг эса 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади ва кейин белгиланган тартибда ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатлари ҳисобварақларига эскириш (амортизация) суммалари орқали ўтказилади.

65-хато:

тиббиёт, санаторий-курорт, соғломлаштириш ва бошқа муассасалар учун бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар қийматига қўшилган қиймат солиғи ёзилмаслиги.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи, 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича оборотлар ҳамда ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлари текширилганда. Корхона санаторий-курорт ва бошқа муассасалар учун иш бажараётганда, хизматлар кўрсатаётганда бу муассасалар улар мазкур солиқни тўловчилар ҳисобланмаслигини айтиб, корхонадан ишлар, хизматлар ҳажмидан олинувчи қўшилган қиймат солиғи суммаларини тақдим этмасликларини талаб қилишлари ҳам мумкин.

Хатони тузатиш. Бундай муассасалар учун бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар қийматига албатта қўшилган қиймат солиғи ёзилиши шарт. Ана шу муассасаларнинг ўзлари кўрсатадиган хизматларгина қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Мазкур муассасалар учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қийматига қўшилган қиймат солиғини ёзмаслик солиққа тортиладиган оборотнинг камайтириб кўрса-

гилишига олиб келади. Бу ҳолда давлат солиқ идоралари қўшимча солиқ ёзади ва жарима солиш чораларини қўллайди.

66-хато:

бошқа корхоналарга бепул берилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш учун солиққа тортиладиган оборотга қўшилмаслиги.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: товар-моддий бойликларни сотиш ҳисобварақлари бўйича оборотлар ва 11-журнал-ордер текширилганда.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1993 йил 15 январдаги "Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги 9/16-сонли йўриқномасига мувофиқ бошқа корхоналар ёки жисмоний шахсларга товарларни бепул бериши ёки ҳақининг бир қисмини тўлаш шарти билан беришга доир оборотлар солиққа тортиладиган оборотга қўшилади. Бунда товарларни бераётган томон қўшилган қиймат солиғини тўловчи ҳисобланади.

67-хато:

корхонанинг вақтинчалик молиявий ёрдам тарзида олган пул маблағларига солиқ солинмаслиги.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳисоб-китоб варақлари бўйича оборотлар ҳамда ана шу ёрдамни кўрсаттан корхоналар билан тузилган шартномалар текширилганда.

Хатони тузатиш. Корхона қайтариш шарти билан юридик ёки жисмоний шахслардан олган молиявий ёрдамга қўшилган қиймат солиғи солинмайди. Аммо бунинг учун ушбу ёрдамни олган корхонага ҳисобот даври мобайнида муқобил хизматлар кўрсатилмаган (маҳсулот жўнатилмаган, ишлар бажарилмаган) бўлиши лозим, акс ҳолда молиявий ёрдам хўжалик фаолияти натижаси ҳисобланади ва ундан қўшилган қиймат солиғи тўланиши шарт.

68-хато:

тўлиқ эскирганлик ёзилган асосий воситаларнинг қўшилган қиймат солиғисиз сотилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи, 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи оборотн 8, 11-журнал-ордерлар бўйича текширилганда.

Хатони тузатиш. Қўшилган қиймат солиғи асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ва ҳақиқий сотилиш нархи ўртасидаги фарқдан ҳисоблаб чиқилади. Тўлиқ амортизацияланган асосий фондларга доир қўшилган қиймат солиғи жами сотиш суммасидан ҳисоблаб чиқилиши керак, қўшилган қиймат солиғи ва сотиш харажатлари чиқариб ташланган умумий сотиш суммаси эса фойда солиғи солинадиган объект ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 28 мартдаги 04-02/91 ва 24-сонли хати).

69-хато:

чет ташкилотлар материаллари, хизматларининг қўшилган қиймат солиғи билан 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: 15-қайдномадаги харажатларнинг тўғри ўтказилганлиги ва 19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағи ва 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича оборотлар текширилганда.

Хатони тузатиш. Чет ташкилотларнинг материаллари, хизматлари харажатлар ҳисобварақларига қўшилган қиймат солиғисиз, қуйидаги ўтказишлар билан ҳисобдан ўчирилади:

26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи дебети

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити

ва айни чоғда қўшилган қиймат солиғи суммасига

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг "Қўшилган қиймат солиғи" илова ҳисобварағи дебети

19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағи кредити.

Давлат солиқ идоралари солиқ солинадиган база камайтириб кўрсатилганини пайқаганларида камайтириб кўрсатилган фойда суммасини ундириши ва жарима солиш жазо чорасини қўллаши зарур.

Корхона ҳисобидан амалга ошириладиган айрим ижтимоий харажатлар ва давр харажатларининг бир қисми бундан мустасноднр: улар 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига қўшилган қиймат солиғи билан ҳисобдан чиқарилади.

70-хато:

ижтимоий ва бошқа ноишлаб чиқариш ишлари корхона ҳисобидан амалга оширилганда қўшилган қиймат солиғининг нотўғри ҳисобдан ўчирилиши ва ҳисобда нотўғри акс эттирилиши.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: оборотлар харажатлар ҳисобварақлари; 15-қайднома бўйича текширилганда.

Хатони тузатиш. Ижтимоий ва бошқа ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган ва фойдаланиладиган моддий манбалар (ҳақи тўланган ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғи билан бирга қуйидаги ўтказиш билан ҳисобдан чиқарилади:

10-"Материаллар" ҳисобварағи дебети

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағи дебети

19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағи кредит

Объектлар қиймати корхона балансига қўшилган қиймат солиғи билан бирга қуйидаги ўтказиш билан олинади:

01-"Асосий воситалар" ҳисобварағи дебети

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи кредити.

71-хато:

экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда (иш бажариш, хизмат кўрсатишда) фойдаланилган моддий захиралар учун қўшилган қийматга солиқ тўлаш.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартдаги Фармонига биноан экспорт қилувчи кор-

хоналар экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда (иш бажариш, хизмат кўрсатишда) фойдаланилган моддий захиралар учун қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинади.

Шу сабабли экспорт маҳсулотбоп ишлаб чиқариш учун фойдаланилган сотиб олинган материаллар учун қушилган қийматга солиқ суммаси ҳам ҳисобга олинади, яъни республика миқёсида реализация қилинган маҳсулот учун қўшилган қийматга солиқ суммаси камайтириб ҳисобдан чиқарилади. Мабодо 68 "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг қўшилган қийматга солиқ илова ҳисобварағи бўйича дебет оборот кредит оборотдан ортиқ бўлса, тафовут тўланади ёки келгуси давр тўловлари ҳисобига ёзиб қўйилади.

IV. ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚЛАР

72-хато:

сувдан фойдаланганлик учун тўловларни белгиланган муддатда ўтказмаслик, сув олиш учун лимит йўқлиги ва шунинг оқибати ўлароқ солиқ солинадиган базани ҳисоблашда йўл қўйиладиган хатолар.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: корхонанинг тўлов ҳужжатларини текширишда, чиқимлар харажатлар моддасига тўғри киритилганми йўқлигини аниқлашда, солиқ солинадиган базани ҳисоб-китоб қилишда.

Хатони тузатиш. Корхоналар сув учун ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай ҳақиқатда олинган сув миқдорига қараб ҳақ тўлайди. Сув олишга оид йиллик лимитни сувдан фойдаланувчи корхоналар ҳисоблаб чиқади ва уни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасдиқлайди.

Меъёрдан ортиқча олинган сув учун белгиланган ставканинг 5 баравари миқдорида ҳақ тўланиши керак, бу ҳақнинг суммаси эса қайта ҳисобланиб, солиқни тўлагунга қадар фойдага киритилади. Солиқ идоралари тўловлар кечиктирилгани фактини аниқлаган тақдирда (сабаблардан қатъи назар) тўланмаган суммадан муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган тўлов муддатидан кейинги биринчи кундан бошлаб, яъни ойнинг 21-кунидан эътиборан 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилиши лозим.

73-хато:

сув таъминоти ва канализация иншоотлари банд қилган ерга солиқ бўйича имтиёзларнинг нотўғри қўлланиши.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: солиқ суммаси тўғри ҳисобланганини текшириш ва уни харажатлар ҳисобварағига қўшишда.

Хатони тузатиш. Сув таъминоти ва канализация иншоотлари билан банд бўлиб, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ерлар ер солиғи тўлашдан озод қилинади, аммо уларга ўхшамайдиган, ишлаб чиқариш мақсадларига хизмат қиладиган иншоотлар солиқдан озод қилинмаиди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзиниўзи бошқариш қўмитасининг 1994 йил 25 июлдаги хати).

74-хато:

автомобиль йўллари, темирйўл изларн, газ қувурлари, кабель трассаси, иссиқлик трассаси, хиёбонлар ва ижтимоий-маданий соҳанинг бошқа иншоотлари билан банд бўлиб, корхона балансида турадиган ерларга солиқ бўйича имтиёзларни нотўғри қўллаш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: хато ер солиғига оид ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ суммасини корхона харажатларига қўшиш асослилигини текшириш пайтида аниқланади.

Хатони тузатиш. Корхона балансидаги автомобиль ва темир йўллар солиқ солиш мақсадида умум фойдаланадиган йўллар деб эмас, балки майдон ичкарисидаги йўллар деб қаралади.

Улар бўйича ер солиғи белгиланган тартибда ҳисобланади.

Электр узатиш линияси, кабель линияси ва подстанциялар, иссиқлик трассалари, газ қувурлар ва нефть қувурлари, умумдавлат алоқа линиялари ва уларга тегишли иншоотлар учун ажратилган ерларга солиқ солинмайди. Бироқ шуни назарда тутиш зарурки, ер ости иншоотлари қуришга мўлжалланган ер участкалари доимий фойдаланиш учун ажратиб берилмайди. Ер ости иншоотлари устидаги ердан коммуникацияларни муҳофаза қилишга оид махсус қоидаларга риоя этган ҳолда фойдаланиш лозим. Шу сабабли ер ости иншоотлари (газ қувури, кабель трассаси ва иссиқлик трассаси) устидаги ер участкалари учун солиқ тўла миқдорда тўланади. Мабодо, улар ер устидан ўтган бўлса, улар ҳақиқатда банд қилган майдонлар солиқ тўланцдан озод қилинади.

Корхона балансида турган ижтимоий-маданий иншоотларга (агар спорт иншоотларини қуриш тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, улар ер солиғи тўлашдан озод қилинади) белгиланган тартибда ер солиғи солинади.

V. МУЛК СОЛИҒИ

75-хато:

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорига биноан, асосий воситаларни қайта нархлаш натижаларини бухгалтерлик ҳисобида ўз вақтида акс эттирмаслик.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: асосий воситаларни қайта нархлашга доир бухгалтерлик қайдларини корхона бош дафтари бўйича текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Республика ҳукуматининг қарорига биноан ўтказиладиган асосий воситаларни қайта нархлаш натижалари тегишли даврнинг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилмоғи лозим. Баланснинг тегишли позицияларида қайта нархлаш суммасига ўзгартишнинг йўқлиги корхонанинг мулк солиғи камайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда Давлат солиқ идоралари камайтирилган мулк солиғи суммасини олишга ҳамда жарима солишга ҳақлидир.

76-хато:

мулк солиғини ҳисоблашда асосий ишлаб чиқариш фондлари қолдиқ қийматини солиқ солинадиган объект деб ҳисоблаб, солиқ солинадиган объектни нотўғри белгилаш

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: таҳлилий ҳисоб маълумотлари ва мулк солиғи ҳисоб-китобларини тақ-қослашда.

Хатони тузатиш. Асосий воситаларнинг дастлабки (баланс) қиймати, яъни воситаларнинг эскириши ҳисобга олинмаган қиймати солиқ солинадиган объектдир. Солиқ солиш мақсадида мулкнинг ўртача қиймати ҳисоблаб чиқилади. Солиқ солинадиган базани камайтириш факти аниқланган тақдирда, солиқ идоралари айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўришлари лозим.

77-хато:

мулк солиғи бўйича имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш: асосий воситалар барча объектларининг, шу жумладан имтиёз бериладнган объектларнинг ўртача қийматини солиқ солинадиган базага (ҳисоб-китобнинг биринчи сатри) киритиш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: таҳлилий ҳисоб маълумотлари ва мулк солиғи ҳисоб-китобларини тақ-қослашда.

Хатони тузатиш. Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун корхона йил бошида солиқ идораларига солиқ солинмайдиган ёки тегишли имтиёзларга эга бўлган мулк-лар рўйхатини тақдим этиши лозим.

78-хато:

банк кредити эвазига сотиб олинган асосий фондлар қийматини нотўғри белгилаш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари: асосий воситалар объектларини сотиб олиш ва уларнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ хўжалик операцияларини кўриб чиқиш пайтида.

Хатони тузатиш. Корхона банк кредити эвазига сотиб олган асосий воситалар бухгалтерлик ҳисобида дастлабки қиймати бўйича уларни сотиб олиш учун қилинган амалдаги харажатлар миқдорида, яъни сотувчига тўланган сумма миқдорида акс эттирилади. Кредит учун фоизлар банкка корхона маблағлари ҳисобидан тўланади ҳамда 80 "Фойда ва зарарлар" ҳисобварағининг "Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар" илова варағида кўрсатилади.

VI. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАРГА АЖРАТМАЛАР

VI.1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига ажратмалар

79-хато:

Пенсия жамғармасига ажратмаларни тартибга соладиган меъёрий қоидаларни нотўғри талқин қилиш, жумладан суғурта бадалларини тўловчиларни нотўғри белгилаш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: ҳисоб-китоб варағи бўйича оборотларни ва иш ҳақи ёзиш қайдномаларини текшириш пайтида. Жуда кўп ҳолларда, юридик шахсни ташкил этмай, ишбилармонлик билан шуғулланаётган ва иш бажариш учун бошқа ходимлар ёллаётган фуқаролар суғурта бадалларини тўлашдан бош тортадилар.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1996 йил 30 декабрдаги "Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш, Пенсия жамғармаси маблағларини сарфлаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида" 01-2261-сонли йўриқномасига мувофиқ қуйидагилар суғурта бадалларини тўловчилар ҳисобланади:

- корхона муассаса, ташкилотлар - улар қайси идорага қарашлиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар;
- фуқароларни шартнома бўйича ёллайдиган ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шу жумладан якка тартибда (гуруҳ бўлиб) ишлаш шарти билан ижара ёки хусусий деҳқон хўжалигида банд бўлган шахслар;

Мазкур корхона ва шахслар солиқ идораларида рўйхатдан ўтиш билан бир вақтда Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимларида суғуртачилар сифатида ҳам рўйхатдан ўтишлари шарт.

80-хато: ***суғурта бадалларини нотўғри ҳисоблаш.***

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: иш ҳақи ва суғурта бадалларини ҳисоблаш қайдномалари (ведомостлари)ни текшириш пайтида. Айрим тўловларга суғурта бадалларини тўла ҳисобламаслик (ортиқча ҳисоблаш) ҳолатлари бўлиши мумкин.

Хатони тузатиш. Суғурта бадаллари ижтимоий суғурта даҳлдор бўлган ҳамма тоифадаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига нисбатан белгиланган тарифга биноан ҳисобланади.

Қуйидаги тўлов турларига суғурта бадаллари ҳисобланмайди:

- давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақа, ижтимоий нафақа ва пенсиялар;
- ишдан бўшатганда бериладиган нафақалар;
- моддий ёрдам тариқасида пул билан бериладиган ҳар хил нафақалар;
- компенсация тўловлари (хизмат сафарлари бўйича ҳар кун учун бериладиган пуллар ва шундай пул ўрнига тўловлар, ходимларнинг иш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг майиб бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига олиб келган зарарни қоплаш учун тўланадиган тўловлар)
- айрим тоифалардаги ходимларга текинга бериладиган квартиралар, коммунал хизматлар, ёқилғи, транспортда юриш чипталари қиймати ёки уларни қоплаш қиймати;
- берилган коржома, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари, совун, ёғсизлантириш воситалари, сут ва даволаш-дарднинг олдини олиш учун бериладиган овқатлар қиймати;
- текин овқатлар қиймати;
- тушлик учун дотациялар, санаторий-курортларда, даволаш уйларида даволаниш учун йўлланмалар қиймати, стационар ва амбулаторияда даволаниш ҳақи;
- бошқа жойга ишга ўтказилганида ёки бошқа жойга ишга борганида йўл ҳақи, мулкни ташиш ва бинони ижарага олиш харажатларини қоплаш;
- мабодо доимий иш йўлда бажарилса ёхуд сайёр тусга эга бўлса ёки хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлса, кунлик пул ўрнига иш ҳақига қўшимча ва устамалар;
- тегишли бюджет ёки хайрия фондларига ўтказилиб, меҳнатга ҳақ тўланмайдиган иш кунлари учун иш ҳақи;
- юбилей саналари, туғилган кун, узоқ йиллар ва бенуқсон

меҳнат фаолияти муносабати билан, фаол ижтимоий фаолияти учун ва бошқа шундай ҳолларда иш ҳақи фонди ҳисобидан бериладиган рағбатлантирувчи тўловлар (мукофотлар ҳам шу жумлага киради);

- мусобақа, кўрик, танлов ва ҳоказоларда совринли ўринлар учун бериладиган пул мукофотлари;
- фойдаланилмаган таътил учун товон пули;
- ёш мутахассисларга олий ёки ўрта махсус билим юртини тамомлаганидан кейин таътил даври учун корхона ҳисобидан тўланадиган нафақалар;
- корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган ўқувчиларга тўланадиган стипендиялар.

81-хато:

суғурта тарифини нотўғри қўллаш.

Аниқланиши мумкин бўлган йўллари: Иш ҳақини ҳисоблаш қайдномаларини, 5-ишланма жадвали маълумотларини, ҳисоб-китоб варағи бўйича айланмаларни текшириш пайтида. Текширув чоғида корхоналар суғурта бадалларини фақат Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар бўйичагина ўз вақтида ҳисоблаган ҳоллар тез-тез кўзга ташланиб туради.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармаси ташкил этиш тўғрисида"ги 459-қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 13 февралдаги 16 рақамли ва 1995 йил 3 январдаги 1/1 рақамли йўл-йўриқ хатига доир 1-1 рақамли қўшимчасига биноан суғурта бадаллари ставкаси иш ҳақи фондининг 40 фоизи миқдорида белгиланган бўлиб, у Пенсия жамғармасига 36 фоизни, Аҳоли бандлигига кўмаклашув фондига 2 фоизни, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси фондига 2 фоизни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб Пенсия жамғармасига бадаллар фуқаролар томонидан иш ҳақининг 1.2 фоизи миқдорида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан эса, мулкчилик шаклининг қандайлигидан қатъи назар, реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар) амалдаги ҳажмининг 0,5 фоизи миқдорида тўланади.

Суғурта қилдирганлар белгиланган вақтда тўламаган тўловлар боқиманда ҳисобланиб, муддатида тўланмаган солиқлар ва солиқдан ташқари тўловларни ундириш учун белгиланган қатъий тартибда боқиманда суммасидан муддати ўтган ҳар бир кун учун 0.15 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ундирилади. Суғурта бадаллари бўйича боқимандани ундиришда даъво муддати қўлланилмайди.

VI.2. Йўл фондига ажратмалар

82-хато:

республика йўл фондларига ажратмалар билан боғлиқ меъёрий қоидаларни нотўғри талқин этиш.

Аниқланишнинг мумкин бўлган йўллари. Ҳисоб-китоб варағи бўйича оборотларни, маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи тўғри шакллантирилганини текшириш пайтида. Амалиётда текширув чоғида кўпинча республика йўл фондларига пул тўланмагани аниқланади.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги "Республика йўл фондини ташкил этиш тўғрисида"ги 334-рақамли ҳамда 1996 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги 334-рақамли қарорига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида" 466-рақамли қарорларига мувофиқ, умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва унга қараб туриш учун йўл фондига мажбурий ажратмалар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар томонидан (хорижий инвестицияларга эга бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам шу жумлага киради) қуйидаги миқдорда амалга оширилади;

- саноат, транспорт, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхона, бирлашма ва ташкилотлар, шу жумладан хорижий инвестициялари бўлган корхона ва ташкилотлар - ҳисобот йилида бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг (экспорт ҳам шу жумлага киради) амалдаги ҳажмидан 1.2 фоиз миқдорида;
- қурилиш, қурилиш-монтаж, тузатиш-қуриш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ташкилотлар - ҳисобот йилида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмидан 1.2 фоизи миқдорида;

• тайёрлов, воситачилик, савдо (умумовқатланиш корхоналари ҳам шу жумлага киради), таъминот-савдо ташкилотлари ва корхоналари - ҳисобот йилидаги амалдаги товар оборотидан 0,4 фоиз миқдорида;

• банклар (Марказий банк муассасаларидан ташқари), суғурта ташкилотлари (Давлат суғурта қўмитаси ташкилотларидан ташқари) ва уларнинг бўлимлари - ҳисобот йилидаги амалдаги даромаддан 1.2 фоиз миқдорида;

• видеосалонлар (видеокўрсатув шохобчалари), аукционлар, казинолар, нусха кўпайтиришдан, видео ва аудио кассеталарни ижарага беришдан, пул ютуқли ўйинбоп автоматларни ишлатишдан, лотерея ютуқларини, оммавий концерт-томоша тадбирлари ўтказишдан даромад оладиган корхоналар - ҳисобот йилидаги амалдаги даромаддан 1.2 фоиз миқдорида;

• сотиб олинган транспорт воситалари қийматидан йиғимлар: енгил автомобилларни реализация қилиш қийматидан 5 фоиз миқдорида ҳамда юк автомобиллари ва автобусларни (махсус ва технология вазифаларига мўлжалланган автомобиллар ҳам шу жумлага киради) реализация қилиш қийматидан 15 фоиз миқдорида.

Йиғимлар корхонанинг Молия-хўжалик фаолияти натижаларидан қатъи назар тўланади. Бу суммалар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатлари таркибига киритилади.

83-хато:

йўл фондига ажратмалар бўйича бериладиган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: йўл фондига ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш пайтида.

Хатони тузатиш. Қуйидагилар 1.2 фоиз миқдорида маблағ ажратиш бўйича имтиёзларга эга (тўловдан озод қилинади).

- давлат бюджетидаги ташкилот ва муассасалар;
- томошахоналар;
- санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;
- умумфойдаланадиган автомобиль йўлларни сақлаш, тузатиш, таъмирлаш ва қуришни амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек "Ўзавтомобилйўл" концерни корхоналари билан умумфойдаланадиган автомобиль йўл-ларни қуриш, тузатиш ва сақлаш юзасидан қурилиш, монтаж ишлари умумий ҳажмидан

камида 75 фоизига тенг суммадаги ишларни шартнома бўйича бажарадиган юридик шахслар;

- уй-жойлардан фойдаланиш идоралари ва уй бош-қармалари;
- Марказий банк муассасалари;
- давлат суғурта идоралари;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ташқи савдо бирлашмалари;
- давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларининг республика ва маҳаллий бошқарув идоралари;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг корхоналари ва ташкилотлари, уларга бўйсинувчи, аммо хўжалик ҳисобида бўлган хўжалик ташкилотлари бундан мустасно.

Қуйидагилар сотиб олинадиган автотранспорт воситалари қийматидан йиғим тўлашдан озод қилинади:

- мотоаравачаси ва автомобили бўлган ва сотиб оладиган барча гуруҳдаги ногиронлар;
- умумфойдаланадиган автотранспорт корхоналари йўловчи ташийдиган транспорт воситалари бўйича (таксидан ташқари);
- умумфойдаланадиган автомобиль йўлларини сақлаш, тузатиш, таъмирлаш ва қуришни амалга оширувчи корхона, бирлашма ва ташкилотлар, шу жумладан ҳудудий, туман автомобиль йўллари бошқармалари билан бу ишларни қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг камида 75 фоизига тенг суммада бажариш хусусида шартнома тузган юридик шахслар;
- 40 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган карьер ўзи ағдаргич машиналарни сотиб оладиган корхоналар.

Қуйидагилар автомобиль транспорти даромадидан йўл фондига ажратма тўлашдан озод қилинади:

- давлат бюджетидаги ташкилот ва муассасалар;
- умумфойдаланадиган, шу жумладан, маҳаллий автомобил йўлларини сақлаш, тузатиш, таъмирлаш ва қуришни амалга оширадиган ҳамда йўл ташкилотлари билан бажарадиган умумий иш ҳажмининг камида 75 фоизига тенг суммада қурилиш, сақлаш, тузатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш хусусида шартнома тузган корхона, бирлашма ва ташкилотлар.

VII. МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР

84-хато:

солиқ солинадиган субъектлар ва объектларни нотўғри аниқлаш.

Аниқлашнинг мумкин бўлган йўллари: Фойдадан (даромаддан) маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоб-китобини текшириш пайтида.

Фойдадан (даромаддан) солиқ тўлашдаги ноаниқлик одатда аҳоли яшайдиган жойлардаги ҳудудларни супириб тозалаш учун йиғимлар билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади.

Фақат юридик шахсларгина йиғим тўловчилар деб, корхонанинг ялпи фойдаси (даромади) эса объект деб ҳисобланади.

Хатони тузатиш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 6 мартдаги "Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги 24/19 рақамли йўриқномасида шаҳарлар, поселкалар, шаҳар типидаги посёлкалар, қишлоқлар, овуллар ҳудудидаги ишбилармонлик билан шуғулланадиган ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар аҳоли яшайдиган манзиллардаги ҳудудларни супириб тозалаш учун йиғим тўловчилар ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган.

Барча тўловлар бюджетга тўланганнидан кейин қол-ган фойда (даромад) йиғим объекти ҳисобланади.

ИЛОВА 1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1995 й. 22 декабрь

Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида

1-модда. Белгиланган муддатда тўланмаган солиқларни, давлат бюджетига ҳамда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

2-модда. Тегишли тўловларнинг белгиланган тўлов муддатлари тугагач, тўланмаган сумма боқиманда ҳисобланади ва у, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, пенясини қўшиб ҳисоблаган ҳолда ундириб олинади.

3-модда. Тўлов муддати тугаганидан кейинги кундан бошлаб муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун боқиманда суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня қўшилиб боради.

4-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан тўловларни ва тўловларга оид боқимандаларни ундириб олиш қуйидаги ҳолларда сўзсиз амалга оширилади:

1) солиқ органининг қарорига мувофиқ - солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар бўйича;

2) суднинг қарорига мувофиқ - бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига тўловлар бўйича.

5-модда. Солиқ органлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар солиқ тўловлари ва бюджетга,

шунингдек, бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлар тўлашни тўғри, ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширганлигини текширишга ҳақлидир.

6-модда. Боқимандани тўлаш суммаси келиб тушганда аввало боқиманда, сўнгра пеня тўланади. Боқимандани ундириб олиш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

7-модда. Тўлов топшириқномаси олинганидан кейин бир иш куни мобайнида давлат бюджети даромадига, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳисобварағига тўловлар банкнинг айби билан ўз вақтида киритилмаганлиги учун банк муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня тўлайди.

8-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан боқимандани сўзсиз ундириб олишнинг қуйидаги чоралари қўлланилади:

1) боқимандачининг банкдаги ҳисобварағида мавжуд бўлган суммани давлат бюджети фойдасига, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳисобварағига ўтказиш;

2) солиштирув далолатномаси мавжуд бўлган тақдирда ундирувни дебиторлардан боқимандачига тегишли суммага қаратиш.

9-модда. Чет эллик юридик шахслардан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандани ундириб олиш, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан боқимандани ундириб олиш суд тартибида амалга оширилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар гарданига боқимандаларни қоплаш учун ундирув мол-мулкка қаратилган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин

бўлмаган мол-мулкка ундирув қаратилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича чет эллик юридик шахслардан боқимандани ундириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган уларнинг ҳар қандай мол-мулкига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратилади.

12-модда. Боқимандани ундириш тўғрисидаги суд қарорининг ижроси ижро варақаси асосида, хўжалик судининг буйруғи асосида амалга оширилади.

13-модда. Давлат корхоналарининг, шунингдек жисмоний шахсларнинг тўловлар бўйича боқимандасини ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда боқиманда ҳисобдан чиқариб ташланади. Давлат корхоналарининг боқимандасини ҳисобдан чиқариб ташлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда боқимандани ундириб олиш имконияти йўқлиги тўғрисидаги маълумотномага биноан, жисмоний шахслардан эса - суд қарорига биноан амалга оширилади.

14-модда. Тўловларни нотўғри ҳисоблаб чиқариш ёки ундириб олишнинг белгиланган тартибини бузиш оқибатида ортиқча келиб тушган тўлов суммалари қайтарилиши керак.

15-модда. Тўловларни ундириб олиш вақтида солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган нотўғри хатти-ҳаракатлар устидан шикоятлар юқори органга ёки судга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

ИЛОВА 2

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ШИКОЯТ ВА АРИЗА (АПЕЛЛЯЦИЯ)ЛАРИНИ СОЛИҚ ИДОРАЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
1994 йил 28 ноябрь

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом 1991 йил 15 февралида қабул қилинган "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги, 1994 йил 6 майда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, Ўзбекисон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июндаги "Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги 114-сонли қарорлари асосида ишлаб чиқилди.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, ташкилотлари ва давлат ҳамда жамоат фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларида ишлаб турган органларига ва бошқа юқори ташкилотларга, шу жумладан давлат солиқ идораларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

1.3. Мазкур Низом солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ органлари томонидан ўтказилган текширишлар ва улар натижасида тузилган далолатномалардан, молиявий санкция ва маъмурий жарималар солиш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлган ҳолларда, ёхуд солиқ органлари масъул ходимларининг гайри-қонуний ҳаракатлари ва талабларига нисбатан юқори турувчи давлат солиқ органларига аризалар, шикоятлар (апелляция) тақдим қилиш ва уларни кўриб чиқиш ҳуқуқий асосларини ва солиқ идоралари ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқишни тартибга солади.

II. АРИЗА ВА ШИКОЯТ (АПЕЛЛЯЦИЯ)ЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

2.1. Солиқ тўловчилар давлат солиқ органлари ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида тузилган далолатномалар ва шунга асосланиб чиқарилган молиявий санкция ва маъмурий жарималар солиш ҳақидаги қарорларга норозилик билдириб юқори турувчи давлат солиқ органларига ариза ва шикоятлар тақдим қилишлари мумкин.

2.2. Аризалар, шикоятлар қонунда белгилаб қўйилганидек текшириш ўтказган давлат солиқ органи қайси ҳудудда жойлашганидан қатъи назар у бўйсунадиган юқори давлат солиқ органларига кўриб чиқиш учун босқичма-босқич тақдим қилинади.

2.3. Солиқ тўловчиларнинг ариза ва шикоятлари келиб тушган кундан бошлаб давлат солиқ органлари томонилан узоғи билан 10 кун ичида текшириб кўрилади ва махсус исботлар талаб қилинган алоҳида ҳолларда эса бир ой муддат ичида кўриб ҳал қилинади.

2.4. Давлат солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг ариза ва шикоятларини қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиб қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда уларни хабардор қиладилар.

2.5. Алоҳида текшириш ўтказилиши талаб қилинадиган ечими ўта мураккаб ва баҳсли масалалар бўйича берилган ариза ёки шикоятлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Маслаҳат эксперт Кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва икки ойдан кўп бўлмаган муҳлат ичида қарор қабул қилинади.

2.6. Давлат солиқ органлари қарорларига нисбатан норозилик ҳақидаги ариза ёки шикоят солиқ тўловчидан белгиланган солиқ турлари ва миқдорларини давлат бюджетига ундиришни тўхтатишга асос бўла олмайди.

III. ДАВЛАТ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРДАН ТУШГАН АРИЗА ВА ШИКОЯТ (АПЕЛЛЯЦИЯ)ЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Юқори турувчи давлат солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг ариза ёки шикоятларини кўриб ҳал қилгунга қадар солиқнинг тегишли суммасини ундириб олишни ҳамда қуйи давлат солиқ органларининг молиявий санкция ва маъмурий жарималар солиш тўғрисидаги қарорлари ижросини бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча тўхтатиб туришга ваколатлидирлар.

3.2. Давлат солиқ органларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари солиқ тўловчиларнинг ариза ёки шикоятларини кўриб чиқиш жараёнида қуйидаги қонуний қоидаларга риоя қилишлари шарт:

- солиқ тўловчилардан тушган ариза, эътироз ва шикоятларни ҳар томонлама, объектив кўриб чиқиш ва одилона ҳал қилиш;
- ариза ёки шикоятларда қўйилган талабларнинг асосли ёки асоссизлигини ўрганиб, йўл қўйилган қонун бузилиши сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф

эгиш чораларини кўриш;

- зарур бўлиб қолган ҳолларда солиқ тўловчилардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олиш, ёхуд шикоятда келтирилган важларни жойда текшириб тўғри таҳлил қилиш мақсадида тегишли мутахассисларни жалб қилиш. Ортиқча солиқ ундирилишига йўл қўйилган ҳолар аниқланганда юқори турувчи солиқ орган раҳбарияти бундай ҳолатни бартараф этиш ва келажакда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

- солиқ тўловчиларнинг ариза ёки шикоятларини текшириш юзасидан қонунга асосланган ҳолда қарорлар қабул қилиш ва уларни ижросини таъминлаш чораларини кўриш;

- ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида солиқ тўловчиларга ёзма равишда ўз вақтида маълум қилиш;

-шикоятда қўйилган талаблар рад этилган тақдирда унинг сабабларини кўрсатиб солиқ тўловчиларга ёзма тарзда маълум қилиш;

- давлат солиқ органлари томонидан ортиқча ундирилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари узоғи билан 10 кун ичида солиқ тўловчига қайтарилиши ёки унинг хоҳишига кўра келгуси давр тўловлари ҳисобига ўтказилиши керак. Солиқ органлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида етказилган зарар эса қонунда белгиланган тартибда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади;

Солиқ органлари ходимлари қасддан, ўз манфаатлари йўлида ғайриқонуний ҳаракатларни содир этганликлари туфайли етказилган зарар ходимлар томонидан тўлатилади.

3.3. Солиқ тўловларини қонунсиз равишда ундирилишига йўл қўйган айбдор мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

IV. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ УЛАР БЕРГАН АРИЗА ВА ШИКОЯТЛАРИ (АПЕЛЛЯЦИЯ)НИ БЕРИШИ, УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВАҚТИДАГИ ҲУҚУҚ ҲАМДА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Солиқ тўловчилар солиқ органлари томонидан ўтказилган текшириш натижаларидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи давлат солиқ органига ариза ёки шикоят йўллашга ҳақлидирлар.

4.2. Солиқ тўловчилар ариза ёки шикоят (апелляция) лари кўрилаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- шикоятни текширувчига ўз далил - исботларини шахсан баён қилиш ва қўшимча материаллар тақдим этиш;
- текшириш ўтказган солиқ органига тақдим қилинган ҳужжатларни талаб қилиб олиш;
- шикоят текширилиб ҳал қилингунга қадар солиқнинг тегишли суммасини ундириб олишни ҳамда молиявий санкция ва маъмурий жазо (жарима солиш) тўғрисидаги қарорлар ижросини тўхтатиб туришни сўраш;
- шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида белгиланган муддатда давлат солиқ органларидан ёзма равишда жавоб олиш;
- етказилган зарарнинг қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;
- шикоят юзасидан олинган расмий жавобдан қониқмаган ҳолда бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ёзма равишда шикоят билан мурожаат қилиш.

4.3. Солиқ тўловчилар ғайриҳуқуқий тусдаги мурожаатлари ёки атайин сохта маълумотлар баён этилган мурожаатлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

V. АРИЗА ЁКИ ШИКОЯТ (АПЕЛЛЯЦИЯ)ЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

5.1. Ариза ёки шикоятларни ўз вақтида ва қонунга асосланган равишда кўриб ҳал қилиш устидан назорат қилиш тизимдаги барча солиқ органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

5.2. Юқори турувчи давлат солиқ органлари ўзларига бўйсунувчи қуйи идораларда солиқ тўловчилар шикоятларининг қонуний ҳуқуқларини бузилиши сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

5.3. Апелляциялар (шикоят хатлари) ни кўриб чиқиш чоғида мансабдор шахс фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқишда белгиланган тартибни бузиши, сансалорлик қилиши, фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларига бюрократларча муносабатда бўлиши оқибатида давлат ёки жамоат манфаатларига, ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказган тақдирда Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексининг 151 "прим" моддаси тартибида жавобгарликка тортиладилар.

5.4. Солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари ва уларнинг солиқ органлари томонидан кўрилиб ҳал қилинишида қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси амалга оширади.

ИЛОВА 3

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни, маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг

ЙЎРИҚНОМАСИ

1995 йил 22 сентябрь
78-сон

I БЎЛИМ. МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

1. Ўзбекисон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июлдаги 292 - XII - сон қарори билан тасдиқланган "Давлат солиқ идоралари тўғрисида"ги низомга биноан, барча даражадаги давлат солиқ идораларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарларига корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан қуйидаги миқдорда ундириш кўринишида молиявий санкциялар қўллаш ҳуқуқи берилади:

а) яширилган (камайтирилган) фойда (даромад) **жами суммаси** ва шунча сумма миқдорида жарима, қонунбузарлик аниқланганидан кейин бир йил давомида такрор текширув ўтказилганда ва яна қонун бузарликлар аниқланганда эса яширилган ёки камайтирилган фойда (даромад)нинг жами суммаси ва икки баровар миқдорда жарима.*

Масалан: корхона ҳисобот даври учун молиявий - хўжалик фаолияти натижалари бўйича 220 минг сўм ўрнига 200 минг сўм миқдорида солиққа тортиладиган фойда (даромад)ни кўрсатди, яъни ижарадан олинган даромадни киритмади. Бу ҳолда молиявий санкция сифатида корхонанинг 20 минг сўм (220-200) миқдоридаги келтирилган фойда суммаси ва 20 минг сўм жарима ундирилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва балансни ҳисобварақлар бўйича текширганда солиқ инспектори корхонанинг ҳисобот даврида

---

* Ялпи даромаддан солиқ тўловчилар учун фойда (даромад) деганда ялпи даромад тушунилади.

ялпи даромади 150,0 минг сўм ўрнига 125,0 минг сўм қилиб белгиланганини, ялпи даромаддан чиқариб ташланадиган моддий харажатлар ва мажбурий тўловлар 90,0 минг сўм ўрнига 85,0 минг сўм қилиб ҳисобга олинганини аниқлади.

Бошқа хил сотишлардан олинган фойда 18,0 минг сўм ўрнига 15,0 минг сўм қилиб белгиланган. Сотувдан ташқари операциялардан олинган натижа (зарарлар чиқариб ташланган-дан кейиги даромад) 12,0 минг сўм ўрнига 10,0 минг сўм қилиб ҳисобга олинган. Шу тарзда корхона молиявий - хўжалик фаолияти натижаларидан 65,0 минг сўм миқдорида даромад (фойда) олганини кўрсатган.

	Солиқ тўловчи маълумотлари бўйича	Текширув маълумотлари бўйича
1. Ялпи даромад	125,0	150,0
2. Моддий харажатлар ва мажбурий тўловлар	85,0	90,0
3. Бошқа хил сотувлардан даромад	15,0	18,0
4. Сотувдан ташқари операциялар натижаси	10,0	12,0
Хўжалик фаолияти натижалари бўйича солиқ тўловчининг маълумотлари бўйича жами солиққа тортиладиган даромад (фойда)	125 - 85 + 15 + 10 = 65,0 минг сўм	
Даромадларнинг тўғри ҳисоб-китоби:	150 - 90 + 18 + 12 = 90,0 минг сўм	

Ёки корхона даромад (фойда)ни 25,0 минг сўмга камайтирди (яширди), бу ҳолда текширув далолатномасига биноан молиявий санкция қўлланади, яъни камайтирилган (яширилган) даромаднинг жами суммаси - 25,0 минг сўм ва яширилган даромад миқдорида жарима ундирилади, жами 50 минг сўм (25+25) ундирилади;

б) солиққа тортишнинг бошқа яширилган (ҳисобга олинмаган) объекти учун солиқ ва жарима суммаси ана шу сумма миқдорида, бир йил давомида такроран қоида бузилганда эса - солиққа тортишнинг бошқа яширилган (ҳисобга олинмаган) объекти учун солиқ ва жарима суммаси икки баробар миқдорда.

Масалан: корхона транспорт солиғига доир ҳисоб-китобларда 10 та транспорт бирлигини кўрсатган ва тегишли тарзда солиқ тўлаган. Текширувда эса 12 та транспорт бирлиги солиққа тортилиши кераклиги аниқланди. Бу ҳолда солиққа тор-

тишдан яширилган объект (қувватига боғлиқ ҳолда транспорт воситалари) учун солиқ қўшимча ҳисобланади ва қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси ва ана шу суммада жарима ундирилади.

Корхона ер солиғига доир ҳисоб-китобларда солиққа тортиладиган ерлар майдонини 100 гектар деб кўрсатди, ҳақиқатда эса 120 гектар ер солиққа тортиларди. Бу ҳолда солиққа тортишдан яширилган объект (ушбу тоифадаги ерлар учун белгиланган ставкалар ва тегишли тузатишлар бўйича ер участкага) учун солиқ қўшимча ҳисобланади ва қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси ва шу суммада жарима ундирилади;

в) фойда (даромад) ҳисоби йўқлиги, ушбу ҳисоб белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб борилгани;

- ҳисобот бузилгани;

- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўлаш учун зарур бўлган солиқ декларациялари, ҳисоботлар, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганлиги, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланган шаклда тақдим этмаганлик учун, агар бу ҳолатлар ҳисоб-китобни нотўғри тузишга ва солиққа тортиладиган базани камайтиришга олиб келса, тегишли (яъни бюджетга тўлаш учун ҳисобланган жами сумма эмас, балки тафовут қисми) солиқлар ёки корхона бошқа мажбурий тўловлари **суммасининг 10 фоизи;**

Масалан: корхона ҳисоботлар, ҳисоб-китобларни белгиланган муддатда солиқ идорасига тақдим этмади, бу ҳужжатларга биноан 100 минг сўм солиқ ҳисобланган эди. Бу ҳолда ҳисоботни ўз вақтида топширмаганлик учун ҳисоб-китобларга кўра тўланиши керак бўлган солиқларнинг 10 фоизи миқдорида молиявий санкция қўлланилади: 10 (100x10/100) минг сўм. Савдо корхонаси янги барпо этилган корхоналар учун имтиёзларни ноҳақ қўллади ва белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдорида солиқ тўлади. Бу ҳолда солиқ суммаси қўшимча ҳисобланади ва ҳисоботни бузгани учун ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши керак бўлган солиқ суммасининг 10 фоизи миқдорида молиявий санкция қўлланилади.

г) банк ёки кредит муассасаси айби билан **бажармаслик** (ижрони тўхтатиш) **ҳолатида** белгиланган тартибда пеня солиқ тўловчи ёки солиқ идорасининг топшириқномаси келиб тушгандан сўнг учинчи кундан бошлаб тўлов тўланмаган ҳар бир кун учун тўланмаган солиқ суммасининг 0,5 фоизи миқдорида ундирилади. Пеня ундирилиши банк ёки бошқа кредит муас-

сасасини солиқ топшириқларини бажаришдан озод этмайди.

1.1. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган молиявий санкциялар солиқ идоралари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш, солиқ тўловчиларнинг ҳар қандай ишлаб чиқариш, омбор, савдо ва даромад (фойда) олиш билан ёки солиққа тортиш бошқа объектларини текшириш (белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда) ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, шу жумладан алоҳида иш тартибига эга бўлган корхоналарнинг, шунингдек иккидан ортиқ манбадан даромад (фойда) олувчи фуқароларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари давлат фондларига бошқа тўловларини таъминлашга асосланиб қўлланилади.

1.2. Солиқ идораларининг лавозимдор шахслари ушбу Йўриқноманинг 1.1-бандида кўрсатилган текширувларни давлат солиқ раҳбарининг муайян солиқ тўловчини текшириш тўғрисидаги ёзма буйруғи асосида, хизмат гувоҳномасини ва, зарурат бўлганда, тегишли ижозат шаклини кўрсатган ҳолда амалга оширадилар. Юқори солиқ идораси ходимлари корхоналарни солиқ тўловчининг шикояти бўйича кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда: бўйсунувчи солиқ идоралари томонидан солиқ қонунларига риоя этиш ҳолатини текшириш учун буйруқ (фармойиш) борлигига қараб, уларнинг вакили ҳозирлигида қайта текширадилар.

1.3. Текширувлар натижалари бўйича солиқ идораларининг лавозимдор шахслари мажбурий тартибда далолатнома тузадилар, уларда текширилаётган даврда фойда (даромад)ни яшириш ёки камайтиришга олиб келган солиқ қонунларини, даромадлар, харажатлар ҳисоби, пул операциялари, бухгалтерия ҳисоботи юритиш тартибини аниқланган бузишлар тўғрисидаги, солиқ ҳисоб-китоблари, ҳисоботлар, декларациялар тузишдаги ва уларни солиқ идораларига тақдим этишдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилиши керак. Далолатномаларда яширилган (камайтирилган) фойда (даромад) суммаси ёки солиққа тортишдан яширилган ёки ҳисобга олинмаган бошқа объект учун солиқ суммаси, шунингдек бошқа қоидабузарлик фактлари (солиққа тортиш объекти ҳисобга олинмагани, уни талаб этиладиган (белгиланган) тартибни бузган ҳолда олиб бориши, ҳужжатлар тақдим этилмагани ёки тақдим этиш кечиктирилгани, солиқ тўланмагани ёки тўлаш кечиктирилгани ва ҳоказо) қайд этилади. Далолатномаларда очиб ташланган қоидабузарликлар солиқнинг ҳар бир тури

бўйича ва қоидабузарлик турлари тақозо этиладиган ҳисоб-китоб ва ҳужжатлар (зарурат туғилганда - асл нусха ҳужжатлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари) илова қилинган ҳолда алоҳида бўлимлар тарзида ифода этилиши керак.

Солиқ тўловчининг фойда (даромад) яширилгани (камайтирилгани) ёки солиққа тортиш боцқа объектларининг яширилгани тўғрисида далолат берувчи ҳужжати Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 290-моддасига мувофиқ, яъни қонунда белгиланган тартибда баённома ва ҳужжатлар олингани тўғрисида рўйхат (1-илова) тузиш йўли билан олиб қўйилиши керак.

Далолатномаларда солиқ тўловчи бажариши мажбурий бўлган аниқланган, қоидабузарликларни белгилаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек яширилган ёки камайтирилган фойда (даромад) суммасини ёхуд солиққа тортишнинг яширилган ёки ҳисобга олинмаган бошқа объекти учун солиқ суммасини ўтказиш тўғрисидаги таклифлар, муддатлари кўрсатилган ҳолда республика ва тегишли (маҳаллий) бюджетниниг даромад қисмига ҳисобланиши ҳамда солиқ идораларини ривожлантириш фондига ўтказилиши керак бўлган аниқ суммалар айрим кўрсатилган ҳолда солиқларга доир қонун ҳужжатларида кўзда тутилган қоидабузарликар учун санкциялар кўрсатилиши керак.

Айбдор бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг лавозимдор шахсларини ёки жисмоний шахслар солиқ идоралари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши керак бўлмиш аниқланган қоидабузарликлар бўйича ҳар бир лавозимдор шахс ёки жисмоний шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади ва текширув материалларига қўшиб қўйилади.

Далолатномаларга текширувчилар (яъни солиқ, божхона идораларининг лавозимдор шахслари) ва корхона, ташкилот, муассасанинг лавозимдор шахслари (яъни раҳбар ва бош бухгалтер) ёки жисмоний шахс имзо чекиши керак.

Текширув натижаларидан норози бўлган ҳолларда солиқ тўловчи (тегишли лавозимдор шахс ёки жисмоний шахс) далолатномага ёзма эътироз билдирган ҳолда имзо чекиши ва ўз эътирозини асослаб берувчи тушунтириш хати ва ҳужжатларни илова қилиши шарт.

Эътирозлар тақдим этилган ҳолда текширув материалларини текширилаётган корхона лавозимдор шахслари ёки ана шу эътирозларни тақдим этган солиқ тўловчи жисмоний шахслар ҳозирлигида кўриб чиқилади. Агар ушбу лавозимдор шахслар

ёки жисмоний шахслар, улар материалларни кўриб чиқиш вақти ва жойи эълон қилинганидан сўнг келмасалар, эътирозлар улар йўқлигида кўриб чиқилади. Текширув материалларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида барча ҳолларда солиқ тўловчига ёзма равишда хабар қилинади.

Солиқ тўловчи далолатномани имзолашдан бош тортганда текширувчи далолатнома охирига солиқ тўловчининг имзо чекишдан ва далолатномани тузиш пайтида тушунтириш беришдан воз кечгани ҳақида белги қўяди. Бунда солиқ тўловчи келишиб олинган муддатда ёзма тушунтиришлар тақдим этиши тўғрисида ёзиб қўйиши мумкин.

Текширув материаллари (далолатномалар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар ва ҳоказо) текширувчи солиқ идорасига қайтгандан сўнг эртанги кундан қолдирмай махсус журналда рўйхатдан ўтказилади (2-илова), мазкур журнал рақамланиши, тикиб қўйилиши ва тегишли солиқ идорасининг муҳри билан тасдиқланиши керак.

1.4. Солиқ идоралари бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари қоидабузарликлар ва текширувчиларнинг таклифлари қайд этилган текширув далолатномалари имзоланган кундан сўнг кўпи билан 15 кун давомида, МЖК 305-моддасига асосан, тегишли, шу жумладан солиқ тўловчига нисбатан қўлланадиган санкцияларга доир қарорлар қабул қиладилар.

1.5. Санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарорни солиқ идораларининг раҳбарлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларига ҳамда қонун томонидан кўриқланадиган манфаатларига қатъий риоя этган ҳолда қабул қиладилар.

2. Солиқ қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни қўллаш пайтида қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

2.1. Мазкур йўриқнома 1-бандининг "а" кичик бандида кўзда тутилган санкция фақат фойда (даромад) солиғи ва ялпи даромад солиғига нисбатан қўлланади.

2.2. 1-банднинг "б" кичик бандида кўзда тутилган санкция қолган солиқлар бўйича қўлланади. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

Солиққа тортиш обьектлари қуйидагилардир:

- қўшилган қиймат солиғи бўйича - маҳсулот, иш ва хизматлар сотилишига доир оборотлар (бунда тақдим этилган ва банк муассасаларида ҳақи тўланган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича юкланган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар (бундан кейин "товарлар (ишлар, хизматлар)" дейилади) тушунилади);

- акцизлар бўйича - натура ёки қиймат ифодасида юкланган маҳсулот ҳажми, унга доир ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган;

- транспорт солиғи бўйича - транспорт воситаларининг от кучи ёки киловаттлардаги қуввати;

- ер солиғи бўйича - солиққа тортиладиган ерлар майдони;

- мулк солиғи бўйича - асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

- ер ости бойликлари учун солиқ бўйича - минерал хом ашё қазиб олиш ҳажми, минерл хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғланмаган техноген ҳосилалар ва ер ости иншоотлари;

тегишли солиқларни, шу жумладан маҳаллий солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларга мувофиқ.

1-бандниг "а" ва "б" кичик бандларида кўзда тутилган санкциялар фақат солиқ тўловлари бўйича қўлланади.

Изоҳ: яшириш, камайтириш деганда олинган даромадларни ёки солиққа тортишнинг бошқа объектларини ҳисоб-китоблар, ҳисоботларда акс эттирмаслик, даромад олиш, маҳсулот (иш, хизматлар) тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни чиқариб ташлаш йўли билан солиққа тортиладиган базани камайтириш тушунилади.

2.3. Ушбу йўриқноманинг 1-банди "в" кичик бандида кўзда тутилган санкция барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўлланади.

2.3.1. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар (бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари, солиқ ҳисоб-китоблари, декларациялар, ва бошқа ҳужжатлар) солиқ идорасига тақдим этилмагани ёки ўз вақтида тақдим этилмагани учун санкция фақат солиқ тўловчи қонунларга биноан ҳар бир солиқ тури ёки бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий бошқа тўлов этиши шарт бўлган тўловларга нисбатангина қўлланилади.

Солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари лавозимдор шахсларининг бухгалтерия ҳисоботлари (баланслар), солиқ ҳисоб-китоблари, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш муддатларига риоя қилиниши бобида ўзаро масъулиятини ошириш мақсадида солиқ идораларининг раҳбарлари улар келиб тушишини махсус журналда марказлаштирилган тарзда рўйхатдан ўтказилишини таъминлашлари, бунинг учун буйруқ чиқариб, мазкур иш учун масъул ижрочини тайинлашлари зарур:

2.4. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги (кейин киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) қонунида кўзда тутилган пенялар солиқ тўловчи тўловни тўхтатган ҳолда (сабабларидан қатъи назар) солиқ тўлаш муддати белгиланган (яъни шахсий ҳисобварақлар варақчалари бўйича) кундан кейинги ҳар бир кун учун тўланмаган солиқ суммасининг 0,15 фоизи миқдорида ундан ундирилади.

Бунда шуни эсдан чиқармаслик керакки, пеня ундириш солиқ тўловчини солиқ суммасини тўлашдан озод этмайди, зеро бюджетдан қарздорликнинг тўлаш муддати чекланмаган.

2.5. Молиявий санкциялар қўлланишдан ташқари солиқ идораси Давлат солиқ идоралари тўғрисидаги низом 6-бандининг "з" кичик бандига мувофиқ корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг банк ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларга доир операцияларини тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинки (3-илова), агар ҳужжатли текширув ўтказиш ёхуд даромад олиш учун фойдаланиладиган хоналарни текшириш учун давлат солиқ идоралари ходимларини киритишдан бош тортилса, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатлар давлат солиқ идораларига ва уларнинг лавозимдор шахсларига тақдим этилмаса (ёки тақдим этишдан бош тортилса).

Бундай чоралар ҳар бир муайян ҳолда фавқулодда чора сифатида, мавжуд материаллар пухта текширилгандан ҳамда солиқ тўловчининг ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини тўхтатишнинг мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ барча масалалар кўриб чиқилганидан сўнг амалга оширилиши керак.

Операцияларни тўхтатиб қўйиш солиқ тўловчини жавобгарликнинг бошқа хилларидан озод этмайди.

2-БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖК) 264-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат солиқ идораларига тааллуқли экани кўрсатилган. Жумладан, уларга мазкур моддаларда кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар киради:

- 164-модданинг I ва III қисмлари - Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш;

- 164-модданинг I қисми - Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш;

- 164-модданинг III қисми - Дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллар сотиш қоидаларини бузиш;

- 165-модда - Харидорни ёки буюртмачини алдаш;

- 168-модда - Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш;

- 172-модда - Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш;

- 174-модда - Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш;

- 175-модда - Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш;

- 176-модданинг I қисми - Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш.

2. Давлат солиқ идораларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, яъни:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Раиси;

- Ўзбекистон Республикаси ДСҚ раисининг ўринбосарлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бош солиқ бошқармасининг бошлиғи;

- Қорақалпоғистон Республикаси ДБСБ бошлиғининг ўринбосарлари;

- вилоят давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқлари;

- вилоят ДСБ бошлиқларининг ўринбосарлари;

- Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи;

- Тошкент шаҳар ДСБ бошлиғининг ўринбосарлари;

- Шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари;

- шаҳар ёки туман ДСИ бошлиғининг ўринбосарлари МЖКнинг 264-моддасига кўра, давлат солиқ идоралари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар.

Изоҳ: Тегишли (юқори турувчи) раҳбарнинг ёзма буйруғи билан зиммасига ана шундай вазифаларни бажариш юклатилган шахс Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари вазифасини бажарувчи ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 262-моддасига мувофиқ мазкур кодекснинг 227-моддасида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар божхона идоралари ваколатига киради.

4. "Божхонага доир қонун ҳужжатларини бузиш" деб номланган 227-моддага мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима кўринишида маъмурий жазо чораларини қўллашга божхона идоралари номидан божхона идоралари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳақлидир, яъни улар:

- Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Бош божхона бошқармасининг бошлиғи;
- Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ББББ бошлиғи ўринбосарлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси божхона хизмати бошлиғи;
- Қорақалпоғистон Республикаси божхона хизмати бошлиғи ўринбосарлари;
- вилоятлар божхона хизмати бошлиқлари;
- вилоятлар божхона хизмати бошлиқ ўринбосарлари;
- Тошкент шаҳар божхона хизмати бошлиғи;
- Тошкент шаҳар божхона хизмати бошлиқ ўринбосарлари.

5. МЖК 164-моддасининг 1-қисмини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 11 февралда 67-сон қарор билан тасдиқлаган "Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини комплекс текширишларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги Низомга асосланиш керак.

6. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси I ва III қисмларида дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик кўзда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги "Республикада дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар таъминоти ҳамда тақсимотини яхшилашга доир шошилинч чоралар тўғрисида" 404-сон, 1994 йил 6 майдаги "Ёнилғи-мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш тўғрисида" 240-сон, 1994 йил 26 декабирдаги "Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида" 621-сон қарорларига биноан "Республика дорихона муассасаларида дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотиш қоидалари", "Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш қоидалари", шунинг-

дек 1995 йил 15 февралда 124-сон билан ЎзР Адлия вазирлигида рўйхатга олинган "Назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида Низом" тасдиқланди.

Шуни эътиборда тутиш жоизки, товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш талабларига риоя қилмаслик деганда мазкур ҳисоб-китобларни назорат-касса аппаратлари (машиналари)ни қўлламасдан, чек ёки квитанция бермаслик ёхуд чек ёки квитанцияда оширилган ёки камайтирилган суммани кўрсатиш тушунилади.

Носоз касса машиналари ва аппаратларидан фойдаланиш ҳам касса операциялари юритишни бузишга киради. Агар касса аппаратлари қасддан шикастланган исботланса, субъект даромадни қасддан яширгани учун жавобгарликка тортилиши керак.

МЖК 164-моддасининг I ва III қисмларини қўллашда шуни эътиборда тутиш лозимки, бунда фақат қоидабузарликлар, яъни қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган муайян қоидаларга риоя қилмаслик, уларни бажармаслик кўзда тутилади.

Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширганда назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартибини ва уларга хизмат кўрсатиш тартибини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик қўлланади. ЎзР Адлия вазирлигининг 1995 йил 6 майдаги 01-03-2664-сон хатига мувофиқ, бундай тусдаги қоидабузарликлар ўз хусусиятига кўра савдо қоидаларига киритилган, шу муносабат билан маъмурий жавобгарлик мазкур ҳолларда МЖК 164-моддаси билан, жиноий жавобгарлик эса мазкур қоидабузарликлар учун маъмурий ундириш чораларидан сўнг кўрилган Жиноят кодексининг 189-моддаси билан таснифланади.

7. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-моддаси харидор ёки буюртмачини алдаш учун маъмурий жавобгарликни кўзда тутади. Ушбу модданинг хусусияти шундан иборатки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки буюртмачиларга хизмат кўрсатаётган ҳар қандай (юридик, жисмоний) шахслар, шу жумладан савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ушбу ҳуқуқбузарлик субъектлари ҳисобланади. Ушбу модда мазмунига кўра, харидор ёки буюртмачини алдашга қаратилган ҳар қандай

ҳаракатлар: ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёхуд ўзгача тарзда алдаш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Бироқ мазкур модда жазо чораларини қўллаш учун ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш, ўзгача тарзда алдаш суммаси энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Ушбу моддада энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда маъмурий жарима солиш жазоси кўзда тутилган.

Изоҳ. Харидор ёки буюртмачини алдаш суммаси энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошиб кетганида бу хатти-ҳаракатлар ЎзР ЖК 187-моддасига тўғри келади ва бундай ҳолда ҳуқуқбузарларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилиши керак.

8. МЖК 168-моддасида бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш кўзда тутилади. Ушбу моддада фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисми миқдорида жарима солиш жазоси кўзда тутилган.

9. МЖК 172-моддасида ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган 240-сон қарори талабларини ва мазкур қарор билан тасдиқланган "Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш қоидалари"ни бузиш (бажармаслик), шунингдек 1985 йил 15 августда 06/21-8-446-сон билан тасдиқланган "СССР тизими нефть базалари, ёнилғи қуйиш пунктларига нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушиши, сақланиши, берилиши ва ҳисобга олиниши тартиби тўғрисида"ги йўриқномани бузишлар мазкур модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарликка тортиш учун юқорида саналган қоидабузарликларнинг биттасини ёки исталган изчилликда ҳаммасини бирга содир этиш кифоя қилади.

МЖК 172-моддасига кўра фуқаролар ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Мазкур моддага кўра фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

10. МЖК 174-моддасида солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш учун маъмурий жавобгарлик кўзда

тутилган. Ушбу модданинг I қисмида солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

174-модда I қисми бўйича жавобгарлик масаласи ҳал этилганда аввало ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракати қасддан қилингани ва моддада кўрсатилганидек амалга оширилгани, яъни солиқ олинадиган фойда (даромад) ёки бошқа объектлар қасддан яширилган (камайтириб кўрсатилгани) ёки декларация тақдим этишдан бўйин товлангани ёхуд унда атайин нотўғри маълумотлар тақдим этилгани белгиланиши (исботланиши) керак.

11. МЖК 11-моддаси "Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш" тушунчасини изоҳлаб беради:

"Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса; унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади".

11.1. МЖК 174-моддасининг I қисми бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлашга йўл қўядиган мансабдор шахслар ҳам, фуқаролар ҳам ҳуқуқбузарлик субъектлари деб ҳисобланади.

12. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни яширишга (камайтиришга) ёки солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш кўринишида хатти-ҳаракатларга йўл қўйган корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки бош бухгалтерлари, юридик шахслар, одатда, текширув натижалари бўйича ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

13. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 174-моддасининг I қисмига кўра каттагина миқдорда (яъни энг кам иш ҳақининг 10 бараварига қадар) зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этган субъектлар жавобгарликка тортилиши керак.

Изоҳ: Агар етказилган зарар каттагина миқдорда ва ундан юқори бўлса, ҳуқуқбузар(лар)ни ЎзР ЖК 184-моддасига бинoан жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўрилади.

13.1. МЖК 174-моддасининг II қисмига кўра даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Бу ҳолда даромадлар тўғрисидаги декларацияни тўлдирмаган, тақдим этмаган, ўз вақтида тақдим этмаган ва нотўғри маълумотлар билан тақдим этган қуйидагилар маъмурий жавобгарликка тортилади:

- рўйхат гувоҳномаси ёки ордер (тасдиқнома) асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (ойлик ва йиллик декларациялар);
- ҳисобот йили давомида икки ёки бундан кўп манбалардан даромад олган барча жисмоний шахслар.

Бу ерда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ёки ордери (шаҳодатномаси) асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларнинг ойлик ва йиллик солиқ декларациялари деганда шу тадбиркорлар ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаганидан кейин бир ой ўтганидан сўнг олган даромадлари ва қилган харажатлари тўғрисида декларация топшириши лозимлиги тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар бир йил ўтгандан сўнг кейинги йилнинг 15 январигача бир йил мобайнида амалда олган даромадлари ҳақида декларация топширади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Қонуни 14-моддасига мувофиқ асосий иш жойидан олган даромадларидан ташқари ҳисобот йили мобайнида даромад қиладиган барча тоифадаги фуқаролар, яъни йил мобайнида икки ва бундан кўп манбалардан даромад олган фуқаролар кейинги йилнинг 1 апрелигача умумий йиллик даромадлари ҳақида декларация топширади. Ҳисобот йили мобайнида асосий иш жойи бўлмаган ва шу йил мобайнида қандайдир даромад олган фуқаролар ҳам декларация топширади.

Эслатма. Солиқ идоралари ходимлари солиқ тўловчидан декларацияни қабул қилиб олишда солиқ тўловчи декларацияни тўғри тўлаттанлигини (умумий даромаддан чегирмалар қилиш ҳуқуқини берадиган ва харажатларни тасдиқлайдиган

ҳужжатларнинг мавжудлигини) камерал тарзда (яъни кабинетда) текшириб чиқиши шарт.

Декларацияни нотўғри тарзда (бузиб) тақдим этиш деганда фуқаро ўтган йил мобайнида олинган даромадларини билибтуриб уларни декларацияда атайлаб кўрсатмаслиги ёки нотўғри (камайтирилган) рақамларни ёзиши тушунилади.

14. МЖК 175-моддаси солиққа тортиш объектларини ҳисобга олишнинг мавжуд эмаслиги учун ва касса операцияларини олиб бориш тартиби, шунингдек, тўлов интизоми бузилганлиги учун жавобгарликни кўзда тутади.

Шуни назарда тутиш лозимки, модда баёнида белгиланган ҳар қайси қонун бузиш ҳаракати (беҳаракати) бўйича ҳам, аниқланган пайтдаги умумий қоида бузишлар бўйича ҳам жавобгарлик кучга киради.

175-модданинг I қисмида солиққа тортиш объектларини ҳисобга олиш мавжуд бўлмаганлиги ёки белгиланган тартибни бузиб ҳисобга олинганлиги учун, шунингдек, солиқ ҳисоботлари, ҳисоблар ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бошқа ҳужжатларни топширмаганлик, кечиктириб топширганлик ёки белгиланмаган шаклда топширганлик учун

- агар бу хатти-ҳаракатлар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар суммасини камайтиришга олиб келса - жавобгарлик кўзда тутилади.

Модданинг бу қисми бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари ёки ордерлар (шаҳодатномалар) асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар ҳам, мансабдор шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

Солиққа тортиш объектларини ҳисобга олиш мавжуд бўлмаганлиги ва белгиланган тартибни бузиб ҳисобга олинганлиги деганда тадбиркор қуйидагиларни қайд қилмаганлик ҳоллари тушунилади:

- сана;
- барча товарлар ва уларнинг турлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар;
- ҳар бир сотилган товар, хизмат кўрсатилган ҳар қайси мижоз;
- олинган даромад суммасини тадбиркорнинг харажатлари ва даромадлари дафтарида товар сотилган ва мижозга хизмат кўрсатилган кун, пайт ёки ундан кейин қайд қилмаслик.

Жисмоний шахсларни умумий йиллик даромад бўйича жавобгарликка тортиш учун солиқ инспекцияларида ўтган йил

учун фуқароларга тўланган даромадлар суммалари ва улардан ушлаб қолинган солиқлар суммалари тўғрисида маълумотлар тўпланиши лозим. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Қонуннинг 2-боби 13-моддасига мувофиқ ўриндошлик бўйича, асосий иш жойидан ташқари, бир галлик ишлар ва пудрат шартномаси асосида қилинадиган бошқа ишлар учун иш ҳақи тўлайдиган ва тўловлардан солиқлар ушлаб қоладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу ҳақда кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай шу корхона, муассаса ва ташкилот жойлашган жойдаги солиқ идораларига хабар қилиши лозим (хабарномада даромад олувчи шахснинг доимий турар жойини албатта кўрсатиш керак). Бундай маълумотларни топширмаганлиги, кечикиб топширганлиги ёки белгиланмаган шаклда топширганлиги учун корхоналар, ташкилотлар ва тижорат дўконларининг раҳбари МЖК 175-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

.14.1. 175-модданинг 2-қисмида шу йил мобайнида бундай ҳуқуқбузарлик такрорланган тақдирда қаттиқроқ жазо кўзда тутилган.

14.2. 175-модданинг 3-қисмида касса операцияларини олиб бориш тартиби ва тўлов интизоми бузилганлиги учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Касса операцияларини олиб бориш тартиби ва тўлов интизомини бузган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади.

Касса операцияларини олиб бориш тартиби ва тўлов интизомини текширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- қайдноманинг мавжудлиги, унинг тўғри тузилганлигига;
- касса операцияларини юритиш мавжудлигига;
- ортиқча пул маблағларини банкка топшириш депозитларини расмийлаштириш, кассадаги пул маблағларини, қимматли қоғозларни йўқламадан ўтказиш (инвентаризация) ўз вақтида амалга оширилаётганлигига;
- белгиланган лимитга риоя қилинаётганлигига;
- корхона, муассаса, ташкилот кассаси бўйича кундалик ҳисоботлар топширилишига;
- кассир ҳисоботларни тузаётганида тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигига;
- чиқим-кирим ордерларининг ҳисобот даврига мослигига;
- вақтинчалик ордерлар бўйича пул маблағлари беришга

кредитлар бошқарувчиси розилигининг мавжудлигига ва ҳужжатлар тўғри тўлдирилганлигига;

- етказиб берилган товарлар, қилинган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида таъминланганлигига;

- пул маблағларининг мўлжалланган мақсадлар учун ишлатилганлигига.

15. Ўзбекистон Республикаси МЖК 176-моддасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиби бузилганлиги учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

МЖК 176-моддаси I қисмига мувофиқ бундай ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга учдан бешгача, мансабдор шахсларга бешдан еттигача энг кам иш ҳақи миқдорида жарима солинади.

Қуйидагилар белгиланган тартибни бузишга киради:

- давлат рўйхатидан ўтказмай туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

- тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилмаган тадбиркорлик фаолияти тури билан шуғулланиш;

- рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ёки ордери (шаҳодатнома ёки патент)ни бошқа шахсга бериш;

- маҳаллий ҳокимият органлари белгиламаган жойларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги 55-сонли қарори ҳамда 1995 йил 15 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида"ги 361-сонли қарорлари асосида юридик шахс ҳосил қилмай туриб, ўз фаолиятини амалга оширишни хоҳлаган хусусий тадбиркорга давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома берилади ва у албатта Жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш реестрига киритилади. Бу гувоҳноманинг бир нусхаси бир ҳафта мобайнида рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ идорасига жўнатилади.

15.1. МЖК 176-моддаси 2-қисмида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда савдо-сотиқ ёки воситачилик фаолиятини амалга оширганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. МЖК 176-моддаси 2-қисмига мувофиқ бундай ҳуқуқбузарлик учун 3 дан 5 гача энг кам иш ҳақи миқдорида жарима солиниб, ҳуқуқ бузиш буюмлари мусодара қилинади.

Рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда савдо-сотиқ ёки воситачилик фаолиятини амалга оширганлик деганда шундай ҳуқуқбузарлик кўзда тутиладики, бунда тадбиркор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузган ҳолда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ёки ордери (шаҳодатнома, патент) олмай туриб бундай фаолият билан шуғулланади. Бунда шуни кўзда тутиш лозимки, 176-модда 2-қисм бўйича ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судья ваколатига киради.

16. МЖК 227-моддасида Ўзбекистон Республикасининг бож қонунларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

"Бож қонунларини бузиш" тушунчасига Ўзбекистон Республикаси божхона қонунларининг тегишли моддаларида кўзда тутилган божхона қоидаларининг фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан бузилиши киради.

Ҳуқуқбузарликларга нисатан маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227-моддасида кўрсатилган жазо чоралари (санкция) доирасидагина қўлланилади. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида ҳуқуқ бузиш буюмларини мусодара қилиш кўзда тутилган тақдирда бундай ҳуқуқбузарлик (маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига мувофиқ) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан кўрилади.

17. МЖК 166-моддаси баёнида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган ҳолларда ишга доир материаллар уч кун мобайнида суд органларига топширилади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик юз бергани аниқлангач (маъмурий қонун бузиш тушунчаси МЖК 10-моддасида берилган), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 279-моддаси талабларига мувофиқ ҳар қайси ҳуқуқ бузувчига маъмурий баённома (протокол) тузилади (4-илова).

2. Баённома (протокол)ни шу маъмурий ҳуқуқбузарликни бевосита аниқлаган солиқ ёки божхона органининг ваколатли мансабдор ходими тузади.

3. Солиқ ва божхона қонунларига риоя қилинаётганлигини текшириш ҳамда маъмурий баённома (протокол) тузиш ҳуқуқи берилган солиқ ва божхона органлари мансабдор шахслари жумласига қуйидаги лавозимларда ишлайдиганлар киради:

бош, катта ва давлат солиқ назирлари (тафтишчилари), функционал бўлимлар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, шаҳар ва туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бош солиқ бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, ЎзРДСҚ функционал (таркибий) бошқармалари бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, ЎзР ДСҚ Бош тафтиш-назорат бошқармаси ташкилий бўлинмалари бош, катта суриштирувчилари ва суриштирувчилари, бош, катта оператив (тезкор) ходимлари ва оператив (тезкор) ходимлари; ДСҚ ББББ (Бош божхона бошқармаси) бўлимлари бошлиқлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари; ҳудудий божхона хизматлари бўлимлари, бўлинмалари, божхона постлари бошлиқлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари, суруштирувчилари.

4. Солиқ ёки божхона органининг мансабдор ходими тузган баённома (протокол)нинг мазмуни маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддаси талабларига қатъий мос келиши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

а) тузилган сана ва жой;

б) баённомани тузган шахснинг лавозими, исми-шарифи;

в) ҳуқуқбузувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар:

- исми-шарифи (шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўйича);
- туғилган йили ва жойи;
- иш жойи;
- яшаш жойи;
- оилавий аҳволи;
- фуқаролиги.

г) ҳуқуқ бузилган жой ва вақт;

д) маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни;

е) ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кўзда тутадиган меъёрий ҳужжат;

ж) зарур ҳолларда - гувоҳлар (жабрланувчилар);

- уларнинг исми-шарифи, манзиллари;

з) ҳуқуқ бузувчининг тушунтириш хати;

и) ишни ҳал қилиш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар;

к) моддий зарар.

Лавозим солиқ ёки божхона органининг тўлиқ номини ёзган ҳолда қайд қилинади.

Масалан. Тошкент вилояти Янгийўл тумани ДСИ юридик шахсларни солиққа тортиш бўлимининг давлат солиқ инспектор Палончиев Пистончи.

4.1. Ҳуқуқ бузувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатга мувофиқ қайд қилинади, бундай ҳужжат бўлмаган тақдирда ҳуқуқ бузувчининг сўзи бўйича ёзилади, лекин кейин ички ишлар органлари орқали ёки гувоҳлар (қариндош-уруғлар ёки у билан бирга бўлган шахслар)дан суриштириб аниқланиши шарт. Туғилган жойи ҳам худди ҳужжатдагидек ёзилади, қавс ичида унинг янги номи (агар номи ўзгарган бўлса) берилади. Иш жойи, корхоналар, ташкилотларнинг номи қисқартирилмасдан тўлиқ (умумий қабул қилинганларидан ташқари) қайд қилинади.

Почта манзили, индекс, телефон рақамининг берилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Фуқаролиги фақат ҳужжат бўйича ёзилади. Агар қонун бузувчи шахс фуқаролигини унинг сўзидан ёзишни талаб қилса (у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса), у ҳолда баённомада "Унинг сўзи бўйича", деб ёзиб қўйиш лозим. Ҳуқуқ бузувчи ҳақидаги маълумотлар ҳужжат бўйича ёзилганда бу ҳужжатнинг номи, рақами, ким томонидан ва қачон берилганлиги қайд этилади.

4.2. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни ҳуқуқ бузувчи жавобгарликка тортиладиган Кодекс моддаси баёнига мувофиқ, аниқ ва қисқа ифодаланиши лозим. Агар бир нечта ҳуқуқбузарликка йўл қўйилган бўлса, ҳар қайси ҳуқуқбузарликнинг қисқача баёни келтирилади.

4.3. Меъёрий ҳужжатни қайд қилишда Кодекс ёки бошқа меъёрий ҳужжатнинг ушбу шахс томонидан бузилган моддаси, банди (қисми)нинг аниқ номи акс этиши лозим. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ёки бошқа меъёрий ҳужжатнинг бир неча моддаси бузилган бўлса, амалдаги ва қўлланилган қонун ҳужжатининг барча моддалари, бандлари (қисмлари) қайд қилинади.

4.4. Гувоҳлар ҳақидаги маълумотлар уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уларнинг сўзлари бўйича ёзилади. Гувоҳларнинг исми-шарифи, яшаш жойи, хизмат ва уй телефон рақамлари (агар бўлса) кўрсатилади.

Ҳуқуқ бузувчи тушунтириш хатини ўз қўли билан ва фақат йўл қўйган ҳуқуқбузарликка доир иш бўйича ёзиши лозим. Агар тушунтириш хати мазмун жиҳатдан босма иш қоғози (бланк)да ажратилган жойга сиғмаса, у алоҳида қоғозга ёзилади (5-илова).

4.5. Маъмурий баённомани тузадиган мансабдор шахс ҳуқуқни бузган шахс билан оғзаки суҳбатлашиб, йўл қўйилган ҳуқуқбузарликнинг барча тафсилотларини ойдинлаштириши ва ҳуқуқ бузувчи ёзма равишда жавоб бериши лозим бўлган саволларни тузиши лозим.

4.6. Агар ҳуқуқ бузувчи ёзма тушунтириш хатини ёзолмаса, у ҳолда унинг розилиги билан ва унинг сўзларига асосланиб уни мансабдор шахснинг ўзи ёзади. Бундай ҳолда "менинг сўзларим асосида тўғри ёзилган", "мен ўқиб чиқдим" (ёки "менга ўқиб беришди") сўзларидан кейин қонун бузувчи тушунтириш хатини имзолайди. Тушунтириш хати ҳуқуқ бузувчи (гувоҳ, жабрланувчи) истаган тилда ёзилади. Баённомага ишни ҳал қилиш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар, масалан, илгари содир этилган ҳуқуқ бузишлар ҳақидаги маълумотлар ва ҳ.к. киритилади.

4.7. Ҳуқуқ бузувчининг бирон бир ножўя хатти-ҳаракати оқибатида моддий зарар етказилган бўлса, бу устунга кимга, қанча миқдорда, қандай қилиб моддий зарар етказилганлиги ҳақида қисқа, лекин лўнда ёзилиши керак. Баённомага ҳуқуқни бузган шахс, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса булар ҳам имзо чекади.

4.8. Агар ҳуқуқни бузган шахс баённомага имзо чекишдан бош тортса, мансабдор шахс бу ҳақда баённомага ёзиб, ўзи имзо чекади.

4.9. Ҳуқуқни бузган шахс баённоманинг мазмуни бўйича тушунтириш хати ва мулоҳаза илова қилиш, шунингдек, имзо чекишдан бош тортганлиги сабабларини баён қилиш ҳуқуқига эга. Баённомага имзо чекишдан бош тортиш иш бўйича иш юритишни тўхтатиш учун асос ҳисобланмайди.

4.10. Баённома тузишда ҳуқуқ бузувчига унинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади, бу ҳақда баённомага албатта ёзиб қўйилади.

4.11. Баённома матнини ўзгартиришга, ўчириш ва тузатишга йўл қўйилмайди. Фавқулодда ҳолларгагина ҳуқуқ бузувчисининг розилиги (ёки таклифи) билан айрим сўз ва рақамларни ўзгартиришга йўл қўйилади, бунда тегишли изоҳ берилиб, унинг тагига мансабдор шахс, ҳуқуқ бузувчи ва гувоҳлар имзо чекиши лозим.

4.12. Ҳуқуқни бузиш аниқланганидан сўнг бир кундан кечиктирмай баённома ҳисобга олиш дафтарига (6-илова) қайд қилиниши ҳамда Давлат солиқ ва божхона органи раҳбарига (ёки унинг ўринбосарига) берилиши лозим; раҳбар (ёки ўринбосар) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 305-моддасига мувофиқ уни ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқиши керак.

5. Ҳуқуқни бузиш аниқланган жойда маъмурий баённомани тузишнинг иложи бўлмаган ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 284-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузар солиқ ёки божхона органлари ходимлари томонидан милицияга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хонасига келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқ бузувчини юқорида айтилган жойларга иложи борича тезроқ олиб бориш лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш хонасида ҳуқуқ бузувчини бир соатдан ошиқ ушлаб туриш мумкин эмас.

Эслатма. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш хонаси" деганда бозорлар, қишлоқ ва поселка қўмиталари, маҳалла қўмиталари, ҳокимликлар комиссияси, жамоа хўжаликларининг хизмат хоналари (идоралари) тушунилади. Бу хоналарнинг барчасидан уларнинг эгалари (раҳбарлари) розилиги билан фойдаланиш мумкин.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида айбдор шахсга ўз вақтида хабар берилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлса ва ундан ишни кўришни қолдириш (кечиктириш) ҳақида илти-

моснома тузилган, иш айбдор шахс иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин бўлган ҳолатлар содир этилган ҳуқуқ бузиш учун маъмурий ҳибсга олиш чоралари мусодара қилиш ёки зарарнинг ўрнини қоплаш учун мажбурлаб қўйиш кўзда тутилган бўлса, ишни кўриб чиқишда ҳуқуқбузувчининг иштирок этиши шарт.

7. МЖК 27-моддасига мувофиқ маъмурий жазо ҳуқуқ бузиш содир қилинган кундан сўнг икки ойдан кечиктирмай, узоқ давом этган ҳуқуқ бузиш учун эса у сезилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўлланилиши мумкин.

7.1. Биринчи тоифа ҳуқуқ бузишлар жумласига бир галлик ҳуқуқ бузишлар киради. Булар 164, 165, 168, 176 ва 227-моддаларда жавобгарлик кўзда тутилган ҳуқуқ бузишлардир, иккинчи тоифа ҳуқуқ бузишлар жумласига маълум муддат мобайнида содир этилган ҳамда 172, 174, 175-моддаларда жавобгарлик кўзда тутилган ҳуқуқ бузишлар киради.

8. Жиноий иш қўзғатиш рад этилган ёки жиноий иш тўхтатилган, лекин ҳуқуқни бузган шахс хатти-ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқ бузиш аломатлари мавжуд бўлса, жиноий иш қўзғатиш рад этилган ёки жиноий иш тўхтатилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай маъмурий жазо қўлланиши мумкин.

8.1. Ўзбекистон Республикаси Жиноий-процессуал кодекси талабларига мувофиқ прокурор, терговчи, суриштирувчи қабул қилган қарорлар ва суд чиқарган ажримлар бу меъёрнинг қўлланилишига асос бўлади (ушбу кодексда қандай ҳолларда шахснинг хатти-ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқни бузиш аломатлари бўлиши ва у маъмурий жавобгарликка тортилиши аниқ-ойдин кўрсатиб қўйилган).

9. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида кўзда тутилган муддатлар божхона қонун ҳужжатлари асосида амалга ошириладиган буюмларни мусодара қилиш жазосини қўллаш ҳолларига жорий қилинмайди.

10. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 297-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқни бузиш ҳақидаги ишни кўриб чиқишда уни содир этган шахс ушланган вақтдан бошлаб тегишли ҳуқуқларга эга бўлган адвокат (оқловчи) иштирок этиши мумкин.

11. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш ҳар қайси ҳуқуқ бузувчига алоҳида расмийлаштирилади ва Тафтиш-назорат

ишлари бош бошқармаси бўлинмаларида 3 йил мобайнида сақланади.

12. Маъмурий ҳуқуқ бузишлар ҳақидаги ишни кўриш:

МЖК 303-моддасига мувофиқ солиқ божхона органи (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўришга тайёргарлик кўришда қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим:

12.1 Айни ишни кўриш унинг ваколатлари доирасига кириш-кирмаслигини.

Хусусан, солиқ, божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) 262 ва 264-моддаларга мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси I ва III қисмлари, 165, 168, 172, 174, 175-моддалар, 176-модданинг I қисми ва 227-моддани бузишлар тўғрисидаги ишларни кўради ва улар бўйича маъмурий жазоларни қўллайди.

Солиқ, божхона органлари ваколатлари доирасига кирмайдиган материаллар топширилганда тўпланган материаллар, ашёвий далиллар ва ишга тааллуқли бошқа нарсаларнинг тўғрилиги расмийлаштирилгандан (текширилгандан) сўнг улар бир кун мобайнида тегишли органга жўнатилади.

12.2. Солиқ, божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома (протокол) тузишда Кодекснинг 279, 280, 281-моддалари талабларига риоя қилинишига, унинг тўғри тузилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

12.3. Баённомани расмийлаштиришда солиқ, божхона органининг мансабдор ходими ҳуқуқ бузувчини, жабрланувчини, гувоҳ ва жараёнда иштирок этиши зарур бўлган бошқа шахсларни ҳуқуқбузарликни кўриш (кўриб чиқиш) вақти ва жойи ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Ёзма хабарнома таклифнома, чақириқ қоғози (повестка), ёзма мажбурият (ҳуқуқ бузувчи учун) тарзида расмийлаштирилиши мумкин (7-илова).

Агар жараёнда иштирок этадиган шахслар телефон орқали таклиф (хабардор) қилинган бўлса, буни мансабдор шахснинг рапорти (билдиргиси) тарзида расмийлаштирилади; унда таклиф қилинган вақт ва таклифни қабул қилган шахснинг исми-шарифи кўрсатилади. Таклифнома (хабарнома, билдириш

хати) почта, телетайп, телефакс ва ҳ.к. орқали жўнатилганда иш материалларига патта (квитанция)лар ёки уларнинг нусхалари илова қилинади.

12.4. Зарур ҳолларда давлат солиқ органининг мансабдор ходими бошлиғининг кўрсатмаси бўйича ёки ҳуқуқ бузувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг илтимосига кўра, ишни кўришнинг холислиги учун қўшимча маълумотларни ёки кўрилаётган ишга тааллуқли бошқа материаллар (далиллар)ни талаб қилиши лозим. Давлат божхона солиқ органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) иш бўйича тегишли қарор қабул қилиш учун етарли қўшимча материаллар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

12.5. Солиқ, божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришда (бу ишни расмийлаштириш мобайнида ёки кўришга тайёрлаш жараёнида) ҳуқуқ бузувчи, жабрланувчи, қонуний вакил ёки адвокат томонидан илтимоснома тушдими-йўқлигини, агар тушган бўлса, у қондирилдими-йўқми, агар қондирилмаган бўлса, нима сабабдан қондирилмади ва ҳ.кларни аниқлаши лозим. Солиқ, божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) юқорида санаб ўтилган масалалардан ташқари маъмурий жазони қўллаш муддатларига риоя қилинганлигини ҳам аниқланиши лозим.

13. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 304-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш у содир этилган жойда кўрилади; бу тартиб солиқ ва божхона органлари қарамоғидаги барча ишларга тўлиқ тааллуқли.

14. Ишни кўриш ушбу ишни кўраётган мансабдор шахснинг тақдими (таништируви)дан бошланади (306-модда), яъни раҳбар ишни кўриш иштирокчиларига ўз лавозимини, исми-шарифини ва қандай ишни кўриш лозимлигини, ким маъмурий жавобгарликка тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўришда қатнашаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради (МЖК 294, 295, 296, 297, 298, 299, 300, 301, 302-моддалари), маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомани ўқиб эшиттиради, ҳуқуқ бузувчи, жабрланувчи, адвокат ва ишни кўришда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари эшитилади, далиллар таҳлил қилинади,

илтимосномалар ҳал қилинади. Одатда, материалларни кўришда текширув ўтказган, ҳуқуқ бузишни аниқлаган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги далолатнома (акт)ни ёки баённома (протокол)ни тузган мансабдор шахс албатта иштирок этиши лозим.

15. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 307-моддаси талабларига мувофиқ орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўришда қуйидагиларни аниқлаши лозим:

а) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганми-йўқлигини, яъни ушбу шахснинг хатти-ҳаракатларида Кодекснинг 10-моддасида таърифланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчасига мос аломатлар мавжудлигини аниқлаш лозим. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик атайлаб содир этилганми (11-модда) ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этилганми - шуни аниқлаш керак. МЖК 174-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун атайлаб содир этиш факти исботланиши лозим;

б) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жой аниқланиши, яъни материални расмийлаштириш муддатларига риоя қилинганлиги, қонун бузишни содир этиш ва жавобгарликка тортишнинг қонун ҳужжатларида (Кодекснинг 36, 304, 305-моддалари) белгиланган муддатлари ўтиб кетмаганлигини аниқлаш керак;

в) уни содир этган ушбу айбдор шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилишига лойиқлигини, яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13, 14, 15, 16, 17-моддалари талабларига риоя қилинганлигини аниқлаш лозим.

г) МЖК 31 ва 32-моддаларида кўзда тутилган айбни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқлаш керак.

Шу билан бирга, МЖК 32-моддасида маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг тугал рўйхати берилган бўлса, 31-моддасида маъмурий ҳуқуқ бузишни кўраётган орган (мансабдор шахс)га шу моддада санаб ўтилган ҳолатлардан бошқа енгиллаштирувчи ҳолатлар деб тан олиш ҳуқуқини беради. (Масалан, биринчи марта ҳуқуқ бузиш, моддий аҳволнинг оғирлиги ва ҳ.к.).

д) Моддий зарар етказилганлигини аниқлаш; солиқ ёки

божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) материалларни кўришда моддий зарар келтирилганлигини аниқлаши лозим. Агар етказилган бўлса, кимга ва қандай миқдорда етказилганлигини, уни ушбу ҳужжатларида келтирилган тартибда ундириб олиш мумкинлигини ҳам аниқлаш керак. Хусусан, МЖК 174-моддасига мувофиқ материалларни кўришда етишмаган маблағ тўғри ҳисобланганлиги ва ўтказилганлигини, молиявий жазо (жарима) тўғри қўлланилганлигини ва у тўғри ундириб олинганлигини аниқлаш зарур.

е) ишни кўриш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаш лозим.

16. Агар мансабдор шахс жавобгарликка тортиладиган бўлса, унга қўйилаётган ҳуқуқбузарлик айби унинг хизмат вазифаларини бузиш, бирон бир ҳисобот (молиявий) ҳужжатларни расмийлаштириш ва имзолашда ваколатини бузиш ҳисобланишини аниқлаш лозим.

16.1. Жавобгарликка тортилаётган шахс туман, шаҳар, вилоят ҳокимлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати эканлигини аниқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ депутатларга фақат тегишли орган ёки Олий Мажлиснинг розилиги билангина маъмурий жазо чоралари қўлланиши мумкин. Шу муносабат билан депутат содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги материаллар тегишли ваколатли органнинг розилиги олинганидан кейин кўрилиши лозим.

16.2. Ҳуқуқ бузувчи Интизом низоми (устави)нинг таъсири доирасига кирадиган ҳарбий хизматчи ёки бошқа шахс бўлса, унга нисбатан МЖК 16-моддаси талабларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

Эслатма. "Бошқа шахслар" тушунчаси ИИВ ходимларини, милиция ходимларини, ёнғиндан муҳофаза қилиш хизмати ходимларини, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ходимларини, Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ), прокуратура ходимларини билдиради.

16.3. МЖК 17-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Эслатма. Фуқаронинг хорижий давлат фуқароси эканлиги унинг паспорти бўйича, фуқаролиги бўлмаган шахслар эса истиқомат гувоҳномаси бўйича аниқланади. Бу шахсларнинг талабига кўра ишни кўришда улар таржимон билан таъминланиши лозим.

17. МЖК 309-моддасига мувофиқ давлат солиқ ва божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиб қарор чиқаради (8-илова). Қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: солиқ ёки божхона органининг номи, қарор чиқарган мансабдор шахснинг исми-шарифи, иш кўрилган сана, иши кўриб чиқилган шахс ҳақидаги маълумотлар (баённомадаги қайдга мос келиши лозим), ишни кўришда аниқланган ҳолатларнинг қисқача баёни, айни ҳуқуқ бузиш учун жавобгарликни кўзда тутадиган меъёрий ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор. Пул жаримаси солинганда қарорни қабул қилган раҳбарнинг ўзи жарима суммасини ёзув билан қайд қилади. Унга тузатиш киритиш, уни ўчириш, қириб ташлаш ва ҳ.к. га йўл қўйилмайди.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган буюмлар ва ҳужжатлар, шунингдек, ушлаб қолинган транспорт воситалари ҳақидаги масала ҳал қилиниши лозим.

Қарорга давлат солиқ ёки божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) имзо чекади ва гербли муҳр босиб тасдиқланади.

18. Мансабдор шахс МЖК 310-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқ бузиш ҳақидаги ишни кўриб, қуйидаги қарорлардан бирини чиқариши мумкин:

1. Маъмурий жазони қўллаш.
2. Ишни бекор қилиш.

Давлат солиқ органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) МЖК 271-моддасида кўзда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлгандагина ишни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда шу модданинг тегишли бандига ва қўлланилган меъёрий ҳужжатга ҳавола қилган ҳолда қарорда ишни бекор қилиш ҳақида батафсил қайд берилади.

19. Иш кўриб бўлинган заҳоти маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишга доир қарор эълон қилинади. Ҳуқуқ бузувчи

қандай ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жазога тортилганлигини аниқ-равшан тушуниб олиши лозим. Қарорнинг нусхаси уч кун мобайнида ишни юзасидан қарор чиқарилган шахсга, шунингдек, жабрланувчининг илтимоси бўйича унга берилади. Қарор нусхаси топширилганлиги ҳақида имзо чектириб олинади, агар у жўнатилса, бу ҳақда ишда тегишли қайд қилинади.

20. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят юқори орган (мансабдор шахс)га ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига қарор нусхаси олинганидан сўнг ўн кун муддат ичида берилиши мумкин (МЖК 315, 316-моддалари).

21. Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича прокурор томонидан қарорга норозилик (протест) билдирилиши мумкин (МЖК 317-моддаси). Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунига (25-модда) мувофиқ норозилик (протест) органга (мансабдор шахсга) келиб тушган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Норозиликни кўриб чиқиш натижалари ҳақида прокурорга дарҳол ёзма жавоб юборилади. Норозилик рад қилинган тақдирда мансабдор шахс тегишли меъёрий ҳужжатга ҳавола қилган ҳолда уни асослаб бериши лозим.

22. Белгиланган муддатда берилган шикоят ёки прокурор томонидан билдирилган норозилик (протест) токи ўша шикоят ёки норозилик кўриб чиқилгунга қадар маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини тўхтатиб туради.

23. Юқори лавозимдаги давлат солиқ ёки божхона органи бошлиғи маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида чиқарилган қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади ҳамда қуйидаги қарорлардан бирини қўллайди:

1. Қарорни эътиборсиз, шикоят ёки норозилик (протест)ни қониқтиришсиз қолдиради.

2. Қарорни бекор қилади ва ишни бошқатдан кўриш учун қайтаради.

3. Қарорни ва ишни бекор қилади.

4. Жазо чорасини (жарима суммасини) маъмурий ҳуқуқбу-

зарлик учун меъёрий ҳужжатда кўзда тутилган чегарада (уни кучайтирмасдан) ўзгартиради.

24. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлади:

а) ишнинг мансабдор шахс томонидан тўлиқ кўрилмаганлиги ёки бир томонлама кўрилганлиги, яъни ишни биринчи кўришда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг барча ҳолатлари ўрганилмаган, ишга доир асосланган илтимосномалар ва далиллар ҳисобга олинмаган ва ҳ.к.;

б) мансабдор шахс (орган бошлиғи ёки ўринбосари)нинг қарори ва қўлланилган маъёрларнинг МЖК Алоҳида қисмига ва маъмурий жавобгарликни кўзда тутадиган бошқа меъёрий ҳужжатларга, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаслиги, яъни қарорда чиқарилган маъмурий жарима (жазо) чораси тегишли модданинг айни ҳуқуқбузарлик учун кўзда тутилган жазолар (санкциялар)доирасида бўлиши лозим. Агар қарор икки ёки бундан кўп ҳуқуқбузарлик юзасидан умумий чиқарилган бўлса, у МЖК 34-моддаси талабларига мувофиқ келиши лозим;

в) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан ишни кўриш қоидаларининг жиддий бузилганлиги, яъни ишни кўриш муддатларига риоя қилинмаган, баённома (протокол) белгиланмаган шаклда тузилган ва қарор белгиланмаган шаклда чиқарилган, ишни кўриш иштирокчиларининг тушунтиришлари, ашёвий далилларни расмийлаштириш қоидалари ва талабларига риоя қилинмаган, таржимон билан таъминланилмаган (зарур ҳолларда) ва МЖК XXIII бобида кўзда тутилган бошқа талаблар бажарилмаган;

г) қўлланилган маъмурий жазонинг ҳаққоний эмаслиги, яъни қўлланилган маъмурий жазо чораси содир этилган ҳуқуқбузарликка монанд бўлиши лозим. Агар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарлик кўзда тутилмаган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Эслатма. Агар фуқаронинг шикояти ва прокурорнинг норозилиги (протести)ни кўриб чиқишда қонунлар бузилганли-

айбсиз шахсни атайлаб маъмурий жавобгарликка тортилиши, солиқ ва божхона органларининг ходимлари томонидан ҳукмдорликни ошириш ёки ваколат доирасидан чиқиш ҳоллари юз берганлиги аниқланса, шикоят ёки прокурорнинг норозилигини кўриб чиққан раҳбар уларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилиши лозим.

25. Юқори лавозимдаги солиқ ёки божхона органи бошлиғи маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқаронинг шикояти ёки прокурорнинг норозилиги (протести) бўйича қарор қабул қилади (9-илова); унда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: қарор чиқарилган вақт ва жой, шикоят ёки норозиликни кўриб чиққан мансабдор шахс, прокурор ва бошқа иштирок этувчи шахслар; шикоят берган шахс ёки норозилик билдирган прокурор, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги шикоят берилган ёки норозилик билдирилган ишнинг моҳияти, берилган шикоят ёки билдирилган норозиликнинг моҳияти; шикоят ёки норозилик бўйича чиқарилган қарорнинг далили (тегишли меъёрий ҳужжатга ҳавола қилиниши, қандай қарор қабул қилинганлиги, бу қарорни ким ижро қилиши лозимлиги аниқ ва лўнда баён этилиши лозим). Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан чиқарилган қарорга шикоят ёки норозилик бўйича қабул қилинган қарорнинг нусхаси уч кун мобайнида у қабул қилинган шахсга жўнатилади, жабрланувчига унинг илтимосига кўра берилади. Норозилик (протест)ни кўриб чиқиш натижалари ҳақида прокурорга ёзма тарзда хабар қилинади.

26. МЖК 324-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг бекор қилиниши ва бу борада иш юритишнинг тўхтатилиши жарима пул суммаларини, қарорнинг ўрнини қоплаш учун олиб қўйилган ва мусодара қилинган буюмларни эгаларига қайтаришни, шунингдек, илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чекловларни бекор қилишни тақозо қилади. Агар буюмларни қайтариш имконияти иложи бўлмаса, унинг қиймати, шунингдек, агар буюмлар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойда қиймати тўланади. 1995 йил 14 февралда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Ўзбекис-

тон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги низомга мувофиқ зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги мунозарани суд ҳал қилади. Шунинг учун буюмларнинг қийматини ёки бой берилган фойда қийматини ундириш учун суднинг қарори (ажрими) асос бўлади.

Божхона қоидалари бузилганда жаримани ундириш учун ЎзР МЖК 290-моддаси меъёрлари қўлланилади.

27. МЖК 332-моддасида жарима солиш ҳақидаги қарор ижросининг муддатлари ва тартиби белгиланган.

Ҳуқуқ бузувчи жаримани унга жарима солиш ҳақидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, қарорга шикоят берилган ёки норозилик (протест) билдирилган тақдирда шикоят ёки норозилик қонуқтирилиш қолдирилганлиги ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўлаши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун солинган жаримани ҳуқуқни бузувчи ЎзР Жамғарма банки муассасаларига тўлайди.

27.1. Солиқ ёки божхона органларининг ходимлари айбдорларга солинган жарима суммасини бевосита ундириб олишлари таъқиқланади. Жарима суммаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқ бузувчининг иш ҳақидан ундириб олинади.

27.2. Агар ҳуқуқни бузувчи жарима суммасини муддатида тўламаса, жарима солиш ҳақидаги қарор фуқаро процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ иш ҳақи ёки бошқа даромаддан, пенсия ёки стипендиядан мажбурий ушлаб қолиш учун жўнатилади. Агар жарима солинган шахс ишламаса (пенсия олмаса, ўқимаса), жарима суммаси солиқ ёки божхона органлари раҳбарларининг қарори билан туман (шаҳар) суди суд ижрочиси томонидан ҳуқуқни бузувчининг шахсий мулкидан, шунингдек, унинг умумий (жамоа) мулкдаги улушидан ундирилади.

27.3. Шуни кўзда тутиш керакки, ҳуқуқбузувчининг иш жойига ёки суд ижрочисига солиқ ё божхона органининг гербли муҳри босилган қарор нусхаси жўнатилади; илова хатида жарима суммаси давлат бюджетига ўтказиладиган банкдаги ҳисобварақ рақами кўрсатилиши лозим. Жарима унли-

рилгандан сўнг корхона ёки муассаса қарор ижро этилганлиги ҳақида солиқ ёки божхона органига хабар қилади ва бу орган қарорни назоратдан чиқаради.

28. Жарима солиш ҳақидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой мобайнида фойдаланишга топширилмаган бўлса (МЖК 330-моддаси) ва 318-моддада кўрсатилган ҳолатлар бўйича у тўхтатилмаган ёки МЖК 328-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бўйича кечиктирилган бўлса, маъмурий жазони қўллаш ҳақидаги қарор ижро этилмайди.

29. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан чиқарилган қарорлар маъмурий ҳуқуқ бузиш ҳақидаги баённомалар (протоколлар) рўйхатга олинадиган дафтарга қайд қилинади; шу ерда жарима тўланганлиги ҳам белгилаб қўйилади, унда жарима тўланган сана, тўлов ҳужжатининг номи ва рақами кўрсатилади.

30. Солиқ қонунларини бузганлик учун маъмурий жарималар солиш баённомалари ва қарорларини ҳисобга олиш дафтари (6-илова) Тафтиш-назорат ишлари бош бошқармаси бўлинмаларида юритилади.

30.1. Шу бўлинмалар маъмурий амалиёт ҳақидаги статистик ҳисоботни тўплаш, умумлаштириш ва тайёрлаш ишларини амалга оширади.

31. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш кўриб бўлинганидан сўнг давлат солиқ органи олиб қўйилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ масалани ҳал қилиш учун маъмурий судга топширади.

Солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар)нинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш ҳақида банк муассасаларига фармойишлар босма иш қоғоз (бланк)ларининг (3-илова), маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақидаги баённомаларнинг (4-илова), маъмурий жарималар солиш ҳақидаги қарорларнинг (8-илова) шакллари (формалари) қатъий ҳисобот босма иш қоғоз (бланк)лари ҳисобланади, шунинг учун уларда рақамлари ва сериялари белгиланган бўлиши лозим.

32. Солиқ [illegible] органлари ходимининг қонуний [illegible] ёки хизмат вазифаларини

бажаришларига тўсқинлик қилганликлари учун ҳуқуқ бузувчиларга махсус материал расмийлаштирилади (баённома ёки далолатнома тузилади, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари олинади ва ҳ.к.) ҳамда материал ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун маъмурий ишлар бўйича судьяга топширилади.

1-Илова
Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни, маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага

БАЁННОМА №_____ га илова
_____ даги

Ашёлар (ҳужжатлар)ни олиб қўйиш тўғрисида
БАЁННОМА

"____" _____ 199 ___ йил _____ шаҳар

Ушбу далил _____бўйича маъмурий
(ишнинг қисқача мазмуни)
ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённома (протокол) асосида ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 290-моддасига мувофиқ ҳамда ушбу_____
(ҳужжат ёки нарса, ашёнинг номи)
ҳуқуқбузарлик воситаси ёки бевосита ашёси эканлигини ҳисобга олиб _____
_____

ОЛИБ ҚЎЙИЛДИ:

_____
(қаерда ёки кимдан, бинонинг манзили)
_____
ушбу ҳужжатлар (нарсалар, ашёлар)_____
_____
Баённома жўнатилди_____
_____
Олиб қўйилган ашёлар, ҳужжатлар: _____

(иш материалларига илова қилинди, сақлаш учун топширилди)

Ходим: (лавозими, исми-шарифи)_____

_____ имзо

Гувоҳлар: (исми-шарифлари, манзиллари)_____

_____ имзолар

Ҳуқуқбузар: (исми-шарифи, манзили) _____

_____ имзо

Олиб қўйиш баённомаси нусхасини олди: _____

Эслатма. *Ҳужжатларни олиб қўйишда уларнинг номи ва варақлар сони қайд қилинади. Ашёларни олиб қўйишда ҳар қайси ашёнинг хусусиятлари: ранги, ўлчами, метражи,сони, тайёрлаган фирманинг номи, оғирлиги, артикули, маҳсулот белгиси кўрсатилади, ҳар қайси буюм (ашё) алоҳида-алоҳида ёзилади. Пулларни (валютани) олиб қўйишда купюра рақамлари (қиймати) қайд қилинади.*

2-Илова
Ўзбекистон Республикасининг
солиқ ва божхона қонунларини
бузганлик учун молиявий жазоларни,
маъмурий санкцияларни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг солиқ қонунларига риоя қилишларини текшириш далолатномалари (актлари)ни қайд қилиш ДАФТАРИ

_____ туман, шаҳар
Давлат солиқ қўмитаси

Бошланди "___" _____ 199__ йил.

Тугади "___" _____ 199__ йил.

Тартиб рақами, унинг ўзи далолатнома рақами	Қайд қилиш санаси	Текширилади-ган корхона, муассасалар номи, фуқаролар исми-шарифи, манзили	Солиқларнинг қандай турлари текширилди	Текширувчининг исми-шарифи, манзили	Солиқлар ҳақидаги қонунни бузиш тарзи, етишмаган сумма	Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённома санаси ва рақами	Далолатноманинг иккинчи нусхасини олди			Далолатнома сақланадиган иш рақами
							Исми-шарифи, лавозими	Далолатнома санаси, рақами	Далолатномани олганлик ҳақида имзо	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

3-Илова
Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни, маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси

Давлат солиқ органи
Тўртбурчак муҳри (штампи)

_____
_____
(банк муассасаси ёки бошқа молия муассасаси номи)

Нусха:_____
_____
(қонунни бузган корхона, муассаса номи)

Молия-кредит муассасасида ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш ҳақида
КЎРСАТМА

"__" _____199 __ й. №___ серия _____

Ушбу_____
(текшириш далолатномаси, бошқа материаллар)
_____
асосида мазкур факт(лар) аниқланди:_____
(қонун бузишнинг батафсил мазмуни, у содир этилган вақт,
_____
жой, қонунни бузган солиқ тўловчи - юридик шахснинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июндаги 292-XII-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисидаги низомнинг 6-банди "з" кичик бандига мувофиқ

_____

рақамли ҳисобварақ бўйича ушбу операцияларни
(ҳисоб-китоб, жорий)
тўлиқ (қисман)_____
(кирим, чиқим операциялари, ҳисобварақдан маблағ ўтказиш,

_____

нақд пул маблағларини бериш ва ҳ.к.)

_____

Давлат солиқ бошқарув органи (инспекцияси) бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) (исми-шарифи, имзо)

Муҳр ўрни

_____

йиртиш чизиғи

_____рақамли, _____ серияли кўрсатманинг йиртма варағи (корешок) молия-кредит муассасалари (банклар)да ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш ҳақида

_____

(қонунни бузган юридик шахснинг номи, ҳуқуқ бузишнинг

_____

мазмуни, далолатнома рақами, кўрсатма юбориш учун асос бўлган бошқа материаллар рақами)

_____

_____

(кўрсатма ёзилган сана, уни имзолаган шахснинг исми-шарифи, лавозими)

_____

_____

_____

[illegible] жўнатилган банк ёки бошқа
молия муассасасининг

_____

номи, [illegible] тўхтатиладиган ҳисобварақлар рақами)

_____

_____

(кўрсатма[illegible] бажариш санаси ва унинг ўз кучини йўқотиши
_____**санаси)**

4-Илова
Ўзбекистон Республикасининг
солиқ ва божхона қонунларини
бузганлик учун молиявий
санкцияларни, маъмурий
жарималарни расмийлаштириш
ва қўллаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик -
солиқ қонунларини бузиш тўғрисида
БАЁННОМА №_____ серия _____

"__"_____199 ___ йил. _____
(баённома тузилган жой)

Мен (биз)_____
(баённомани тузган шахс(лар)нинг исми-шарифи

_____
лавозими, иш жойи)

_____

_____

ушбу_____
(фуқаронинг исми-шарифи, яшаш жойи, ЯМФ тури)

_____
(юридик шахснинг номи, банкдаги ҳисобварақ
рақами, банк номи)

_____

_____

ни текшириб,_____
(қонун бузишнинг батафсил мазмуни, содир

_____ аниқладим (дик)

этилган жойи, даври) ни

Кўрсатилган қонун бузишлар _____
(қонун бузувчининг исми-шарифи,

_____
шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси,
рақами, лавозими,

_____
яшаш жойи, ини ҳақи миқдори, яшаш жойи)
_____ томонидан содир этилган.

_____
Бунда ушбулар бузилган_____
(меъёрий ҳужжатларнинг номи,

_____
бузилган моддалар, бандлар рақами)
Фуқаронинги:_____
(паспорт серияси ва рақами истиқомат гувоҳномаси рақами,
ким томонидан ва қачон берилганлиги)

_____
Гувоҳлар (агар бўлса)_____
(исми-шарифлари, яшаш (ишлаш) жойи

_____
_____
_____
манзили, телефон рақами)

Ҳуқуқ бузувчининг тушунтириш хати

_____
_____
_____
_____

Бошқа материаллар

_____
_____
_____
Келтирилган моддий зарар
_____
_____

Ҳуқуқ бузувчига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 294-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилди

_____

(баённомани тузган шахс(лар)нинг лавозими)

_____

(имзоси, исми-шарифи)

_____

(ҳуқуқ бузувчининг лавозими, имзоси, исми-шарифи)

_____

Баённоманинг иккинчи нусхасини олдим:_____

(имзо, исми-шарифи)

Эслатма. *Ҳуқуқ бузувчи баённомани имзолашдан бош тортса, унга бу ҳақда ёзиб қўйилади. Баённомани имзолашдан бош тортиш иши бўйича иш юритишни тўхтатиш учун асос бўлмайди. Ҳуқуқни бузган шахс баённома мазмуни юзасидан ўз тушунтириш хати ва эътирозларини топшириши, баённомани имзолашдан бош тортиш сабабларини баён қилиши мумкин (бу ҳужжатлар баённоманинг ҳар қайси нусхасига илова қилинади).*

- - - -

(ҳуқуқ[illegible] мазмуни, у содир этилган жой ва вақт)

_____

([illegible] тузган шахсдан баённомани олган
[illegible] орган мансабдор шахснинг имзоси)

_____

_____

_____

([illegible] қилинган қарор ҳақидаги белги, жарима
[illegible] тўғрисидаги қарор санаси ва рақами)

5-Илова
Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни, маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага

ТУШУНТИРИШ

_____ _____
(жой) (сана)

Мен,_____
(солиқ ёки божхона органи ходимининг лавозими, исми - шарифи)
хонада_____
"Давлат солиқ органлари тўғрисида"ги низомга ва ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281-моддасига мувофиқ фуқаро (гувоҳ, ҳуқуқбузар ва ҳ.к.)
_____дан тушунтириш олдим:
(исми, шарифи)
Туғилган вақти ва жойи _____
_____
Миллати_____
Билими_____
Иш жойи, лавозими ёки машғулот тури _____
_____
_____ Телефон рақами_____
Яшаш жойи_____
_____Телефон рақами_____
Шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат _____
_____

Менга берилган саволлар моҳияти бўйича тушунтираманки,_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

Тушунтириш менинг сўзларим бўйича тўғри ёзилган _____ имзо

Тушунтириш мен томонимдан шахсан ёзилган _____ имзо

Тушунтириш олдим _____

Солиқ ёки божхона органи ходими имзо

(керагининг остига чизилсин)

6-Илова
Ўзбекистон Республикасининг
солиқ ва божхона қонунларини
бузганлик учун молиявий
санкцияларни, маъмурий
жарималарни расмийлаштириш
ва қўллаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар ва қарорларни ҳисобга олиш ДАФТАРИ

_____ туман, шаҳар
Давлат солиқ инспекцияси

Бошланди "____" _____ 199 ___ йил.
Тугади "____" _____ 199 ___ йил.

Тартиб рақами, иш, баён-нома,	Сана	Ҳуқуқ-бузар-нинг исми-шарифи,	Баён-номани ким тузган, қарорни	Жарима суммаси	Жарима тўлан-ганлиги ҳақи-даги	Жиноий иш қўзғаш учун ҳуқуқни ҳимоя	Ҳуқуқни ҳимоя қилиш-орган-	Қайтарил-ган материал-лар бўйича	Қўзғи бузарчи-нинг қарор-ни		
							Хат рақами ва сана		қарор-ни почтала жўнатил-ганлиги ҳақида-ги хатнинг рақами		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

7-Илова
Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни, маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага

Ҳуқуқбузарнинг чақириқ бўйича солиқ, божхона органлари ва судга бориш ҳамда яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида хабар бериш МАЖБУРИЯТИ

_____ "___"_____ 199 __ йил
(аҳоли яшайдиган пункт)

Мен,_____
(исми-шарифи)

яшаш жойим _____
(яшаш жойи манзили)

_____

мазкур_____материаллар муносабати билан ва ЎзР МЖК 294-моддасига мувофиқ солиқ ва божхона органлари, прокурор ва суд чақириғи бўйича тушунтириш бериш учун ўз вақтида бориш, яшаш жойим ўзгарган тақдирда эса бу ҳақда хабар бериш мажбуриятини оламан.

Ушбу мажбуриятни бузиш оқибатлари ҳақида менга тушунтирилди.

Ҳуқуқни бузувчи _____
(имзо)

Мажбуриятни қабул қилиб олдим_____
(лавозим, исми-шарифи)

_____
(имзо)

8-Илова
Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни, маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш бўйича қарор №_____ серия _____

"__"_____199_ йил _____
(қарор чиқарилган жой)

Мен, Давлат солиқ бошқармаси (вилоят, шаҳар; туман, шаҳар инспекцияси) бошлиғи (бошлиқ ўринбосари)_____,
(исми-шарифи)
тузилган баённома (N ___ серия _____)ни ва унга илова қилинган солиқ қонунларининг бузилиши ҳақидаги материалларни кўриб чиқиб, _____ да
_____
(Ф.И.О.)
бўлиб ишловчи(лар) бўйича ушбуни _____
(лавозими)
_____
(иш жойи)
аниқладим_____
(ишни кўриб чиқишда аниқланган ҳолатларнинг баёни)
_____
_____

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисидаги Низомнинг 7-банди "б" кичик бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрсидаги кодекснинг 264-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

_____

(ҳуқуқ бузувчининг исми-шарифи)

сўм миқдоридаги жарима тарзида маъмурий жазога тортилди.

Жарима ўн беш кунлик муддатда тўлансин.

Давлат солиқ бошқарув органи (инспекцияси) бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) (исми-шарифи, имзо)

Муҳр ўрни

Қарорни олдим:_____

(имзо)

_____

(ҳуқуқ бузувчининг исми-шарифи)

- -

(йиртиш чизиғи)

Қарор № _____ серия _____ йиртма варақаси

_____

(ҳуқуқ бузувчининг исми-шарифи, лавозими, иш жойи)

_____

_____

_____

(қарор чиқарилган сана, баённома рақами, серияси)

_____

(баённома бўйича қабул қилинган қарор, қарор қабул қилган

[illegible] лавозими, иш жойи, исми-шарифи)

[illegible] материалларни қабул қилиб [illegible] мансабдор шахснинг имзоси)

(жари[illegible]нганлиги ҳақида қайд, патта рақами, сана)

(жарим[illegible]нган муддатда тўланмаган ҳолда кўрилган тадбирл[illegible] ундириб олишда жаримани бюджетга ўтказилг[illegible] ҳақида қайд, тўлов топшириқномасининг рақами ва санаси)

[illegible]

ЭСЛАТ[illegible] *Барча материаллар маъмурий ҳуқуқбузарлик ишида[illegible]йил сақланади.*

9-Илова
Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона қонунларини бузганлик учун молиявий санкцияларни, маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юзасидан чиқарилган қарорга шикоят ёки норозилик (протест) бўйича

ҚАРОР

"__"_____ 199 __йил _____
(жой)

_____бошлиғи (бошлиқ ўринбосари)
(солиқ ва божхона органининг номи)

_____

Ушбу факт _____ иштирокида
(прокурор, адвокат, қонуний вакил, эксперт ва ҳ.к.)

_____
(қонун бузиш фактининг қисқача баёни)

бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан ДСИ (ДСБ) бошлиғи чиқарган қарор бўйича

Кўриб чиқилди: _____
(фуқаро (исми-шарифи) шикояти, яшаш жойи, иш жойи)

Кўриб чиқилди: _____

_____

(туман, шаҳар прокурори (исми-шарифи) норозилиги (протести) (сана))

Мазкур _____ асосида
(меъёрий ҳужжат номи)

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Маъм[illegible]ҳуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан ДСИ ([illegible]лиги "___" _____ 199 ___ йилда чиқарган[illegible] сонли қарор _____

_____

[illegible] ёки қисман бекор қилинсин, фуқаронинг ш[illegible] прокурорнинг норозилиги қониқтиришсиз қо[illegible]ин)

Бу ҳа[illegible] _____ га

_____

(шикоятчига, прокурорга)

уч ку[illegible]ида хабар берилсин.

ДСИ ([illegible] бошлиги _____

(имзо)

"____" [illegible] 199 ___ йил

"____" [illegible] 199 ___ йил ____ сонли чиқиш рақами[illegible] жавоб жўнатилди (топширилди)_____

_____

(шикоятчига, прокурорга)

Ижроч[illegible] _____имзо

(исми-шарифи)

...ИЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН



ЁРДАМЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН

ЁРДАМЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН

ЁРДАМЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН

ЁРДАМЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

I. Фойда (даромад) солиғи 4

I.1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилиш миқдорини аниқлаш 4

I.2. Харажатларни шакллантириш 9

I.3. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш 16

II. Сотувчи ташкилотларнинг ялпи даромадига солинадиган солиқ 34

III. Қўшилган қиймат солиғи 37

IV. Табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқлар 47

V. Мулк солиғи 49

VI. Бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар 51

VI.1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига ажратмалар 51

VI.2. Йўл фондига ажратмалар 54

VII. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар 57

Илова 1 58

Илова 2 61

Илова 3 67

Солиққа оид хатолар

Э.Ф.Гадоев, Л.П.Югай

ББК 65.9(5У)261.

№ 258-97
А.Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг давлат кутубхонаси
Нусхаси 2000
Карт.нусхаси 4000

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
"Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи
Тошкент, Мустақиллик кўчаси, 2
Менежер Б.С.Муслимов
Муҳаррир Д.Файзиева
Компьютерда саҳифаловчи О.Тошмухамедов
Муқова макетини тайёрловчи Ш.Р.Шарифьянов
Ҳажми 8 б.т. Нусхаси 5000
Бичими $60x90^{1}/_{16}$
Буюртмачининг диапозитивларидан "Тошкент матбаа комбинати"
ижарадаги корхонасида босилди.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30
Буюртма № д-5095